

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

«Химояга рухсат этилсин»

Факультет декани

_____ **ф.ф.д., проф. И.Ж.Юлдашев**

2013 йил «__» _____

5141500 - Тарих факультети « Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият
асослари» таълим йўналиши 4-курс 401 гуруҳ талабаси

МАТКАРИМОВ ИКРОМ МУХТАРОВИЧНИНГ

**“Касб – ҳунар коллежларида “Меҳнат ҳуқуқи асослари ”
мавзусини ўқитишда кейс технологиясини ташкил этиш
методикаси” мавзусида ёзилган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: «Давлат ва ҳуқуқ
асослари» кафедраси катта ўқитувчиси
_____ **Н.М. Акаева**

Такризчилар:

«Давлат ва ҳуқуқ асослари» кафедраси
ўқитувчиси

_____ **И.М. Садриддинов**
Республика Рассомлик коллежи ижтимоий
фанлар кафедраси ўқитувчиси
_____ **Д. Шокирова**

«Химояга тавсия этилсин»

«Давлат ва ҳуқуқ асослари» кафедраси мудири

_____ **ю.ф.н., доц Х.Н.Туйчиева**

2013 й. «__» _____

ТОШКЕНТ – 2013

Кириш.....	3
1- Боб Меҳнат ҳуқуқи ва уни ўқитишнинг назарий асослари	9
1.1 Ёшлар онгида меҳнатга оид ҳуқуқий билимларни шакллантиришда “Меҳнат ҳуқуқи” фанининг аҳамияти.....	9
1.2 Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар....	18
1.3 Ўрта – махсус касб ҳунар таълимида “Меҳнат ҳуқуқи” мавзусини ўқитишнинг назарий асослари.....	29
2- Боб Касб ҳунар коллежларида меҳнат ҳуқуқи мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш.....	33
2.1 Меҳнат ҳуқуқи мавзусини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти.....	33
2.2 Меҳнат ҳуқуқи мавзусини ўқитишда инновацион технология методлари.....	40
3- Боб Касб – ҳунар коллежларида “Меҳнат ҳуқуқи асослари“ мавзусини ўқитишда кейс технологиясидан фойдаланиш.....	48
3.1 “Меҳнат ҳуқуқи асослари” мавзусини ўқитишда кейс технологиясидан фойдаланиш.....	48
3.2 Касб – ҳунар коллежларида “Меҳнат ҳуқуқи асослари ” мавзусини ўқитиш бўйича дарс ишланмаси.....	61
Хулоса.....	73
Мавзуга оид таянч сўзлар.....	76
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	79
Иловалар.....	84

Кириш

XXI аср ахборот технологиялар асридир. Бу даврга келиб инсонларнинг интеллектуал салоҳияти, ахборотга бўлган эҳтиёжи шу даражада ўзгардики жамиятнинг барча соҳаларида тезкорлик асосий принципга айланиб бормоқда. Шу жумладан таълим соҳаси ҳам. Назарий фанларнинг дифференциялашуви¹ натижасида бир қанча мустақил фан тармоқлари вужудга келди. Ҳуқуқшунослик фанлари негизида меҳнат ҳуқуқининг юзага келиши ҳам айтиш мумкин.

Меҳнат қонунчилиги нафақат асосий ишлаб чиқариш кучларига таъсир кўрсата оладиган, балки уларни меҳнат фаолияти жараёнида ва ишсизликдан ҳам ҳимоя қила оладиган қонунчиликдаги ягона соҳадир. Ҳозирги кунда давлатимиз ва халқимиз олдида турган вазифалар, кўзланган мақсадларга эришишда амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар бисёр.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясидаги «Янгиланиш ва ўзгариш жараёни ортга қайтмайди» номли маърузасида таъкидлаганидек, «инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш, уларнинг кафолатларини сўзда эмас, реал ҳаётда таъминлаш бизнинг қонунчилик ва амалий фаолиятимизнинг доимий эътибор марказида туриши ҳақида гапириш ортиқча... Бу соҳадаги муҳим вазифалардан бири - қабул қилинган қонунларимиз ва ҳуқуқий нормаларнинг ҳаётга татбиқ қилинишини танқидий кўз билан баҳолаб, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича тегишли халқаро ташкилот ва марказлар билан бирга қонунчилигимизни такомиллаштиришимиз устида ишлашимизни, аввало ҳокимият ва суд органларининг бу борадаги масъулиятини оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда»²

¹ Defferent – Инглизча “ҳар хил, турлича”. Eng-uzb dictionary Т 2008 йил

² Каримов И. А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т., 2002. – 324-б.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шубҳасизки ҳуқуқий таълим тарбиянинг ўрни беқиёсдир.

Мавзунинг долзарблиги. Ривожланиб бораётган бугунги ахборот асрида бутун ер юзида демографик жихатдан фаоллик аҳоли сонининг тўхтовсиз ўсиб бориши инсонларнинг моддий ресурсларга бўлган талабининг ҳам кўпайишига олиб келмоқда. Инсон ҳаётда ўзи ва оиласини эҳтиёжини қондириш учун ҳаракат қилади, муайян меҳнат тури билан шуғулланади. Кишилар орасида меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни меҳнат ҳуқуқи тартибга солади. Асосий қонунимизнинг ижтимоий иқтисодий ҳуқуқлар бобида ҳам ҳар бир шахсга меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқи кафолатланган.

Аммо ҳуқуқий жихатдан меҳнат муносабатларининг қонуний асослари яратилганига қарамай бугун дунёда айни меҳнат билан боғлиқ одам савдоси, ноқонуний меҳнат миграцияси, болалар ва аёллар меҳнатини эксплуатация қилиш каби долзарб муаммолар ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан тизимини янада такомиллаштиришга оид чора тadbирлар тўғрисида”ги қарорида таълим жараёнида илғор педагогик услуб ва технологиялари, ахборот коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мултимедиа тақдимотларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш лозимлиги таъкидланган эди.

Биз педагог кадрлар меҳнатга оид муносабатларни, унинг ҳуқуқий асосини ўсиб келаётган ёш авлодга тўғри ва аниқ тушунтира олсак, уларнинг онгида ҳалол меҳнат, ҳалол ризқ, ватанга хизмат каби тушунчаларни шакллантирсак бу албатта келажакда уларни етук, малакали кадр бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам тадқиқод ишининг

долзарблига айнан педагог кадрларни меҳнат ҳуқуқи дарсларини тўғри ташкил этиш масаласига қаратилган.

Бу муаммони ўрганишнинг асосий зарурати Ватанимиз келажаги бўлган ўсмир ёшлар онгида меҳнатга доир ҳуқуқий билимларни тўғри ва самарали шакллантириш ва шу таълим тарбия асносида ноқонуний меҳнат миграцияси, одам савдоси, аёллар ва болалар меҳнатини эксплуатация қилиш каби иллатларга аралашиб қолишдан асрашдир. Зеро юртбошимиз таъкидлаганидек - "...хар бир давлатнинг келажаги унинг ёшларини қандай вояга етаётгани билан чамбарчас боғлиқдир"³

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Шу кунгача меҳнат ҳуқуқи фани бўйича мамлакатимизнинг етакчи ҳуқуқшунос олимлари томонидан дарсликлар, илмий оммабоп рисоалар чоп этирилган. А.Саидов, У. Таджиханов, Акбаров А⁴, Турдиев А, Иноятлов А⁵, Гасанов М., Соколов Е,⁶ Усмонова М. А⁷, Н. Кулдашова, А. Тухтаохунов каби олимлар меҳнат ҳуқуқи борасида салмоқли изланишлар олиб бордилар. Мазкур олимларнинг изланишлари асосан меҳнат ҳуқуқи процеси яъни бевосита жараён билан боғлиқдир. Педагогик жиҳатдан фанларни ўқитиш борасидаги Хошимов.К, инновацион технологиялар асосида Азизхўжаева Н.Н, Гомин.Л.Б, Бесполко, Голиш ва бошқаларнинг ишларини талабалар ўқиб ўрганмоқдалар.

Уларда асосан меҳнат ҳуқуқи тушунчаси, унинг предмети, тизими, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар, меҳнатни ҳуқуқий бошқаришнинг асосий принциплари. меҳнат ҳуқуқининг субъектлари, меҳнат низолари ва уларнинг ҳал қилишнинг ҳуқуқий асослари, меҳнат шартномалари, меҳнат низолари каби жараёнлар ҳуқуқий тавсифлаб берилган. Маърузаларда «меҳнат ҳуқуқи» тушунчаси, предмети, методлари, вазифалари, тизими,

³ И.А. Каримов Юсак маънавият енгилмас куч. Т 2008 йил 1 бет

⁴ Акбаров А., Турдиев А. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунига шарҳлар. – Т., 2000

⁵ Иноятлов А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи: Дарслик. – Т., 2002.

⁶ Гасанов М., Соколов Е. Ўзбекистон Республикасида меҳнат шартномаси. 1,2,3-китоблар. – Т., 1996. Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 2-китоб (Иш ва дам олиш вақти). – Т., 2001.

⁷ Усмонова М. А., Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи: Ўқув қўлланма. – Т., 2001.

манбалари, шунингдек меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар, уларнинг мазмуни, меҳнатни ҳуқуқий бошқаришнинг асосий принциплари, жамоа шартномалари ва келишувлари, уларнинг турлари, мазмуни ва мақсадлари ҳақидаги қатор мавзулар фан дастуридан келиб чиқиб ёритилган. Улардаги мавзуларнинг моҳияти ва мақсади меҳнатга оид ҳуқуқий масалалар ва уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига татбиқ этиш, шунингдек тингловчиларнинг келгуси амалий фаолиятда меҳнатга доир ҳуқуқий қоидаларни тўғри қўллай билишларига қаратилган.

Тадқиқод мавзуимиз меҳнат ҳуқуқини ўқитиш бўлганлиги сабабли бизни кўпроқ жараён эмас, балки меҳнат ҳуқуқини ўқитиш методикаси қизиқтириши табиий ҳолдир. Меҳнат ҳуқуқини ўқитиш ҳуқуқшунослик фанларини ўқитиш методикаси негизида О.А Каримова⁸, Х Сайдивалиева, Н. Акаева⁹, М.Давлетова каби устозларимиз томонидан тадқиқ қилинган.

Мазкур услубий қўлланмаларда ҳуқуқни ўқитишнинг мазмун моҳияти, мақсад вазифалари, ҳуқуқий таълим беришда педагогик услублар, ҳуқуқий таълим тарбия каби масалаларни қамраб олади.

Юқоридаги дарслик ва уқув услубий қўлланмалар умумий ҳуқуқшунослик мавзуларига мўлжалланган бўлиб алоҳида меҳнат ҳуқуқи асослари мавзуси яхлит ҳолда акс этмаган. Ўрта махсус касб ҳунар таълимида меҳнат ҳуқуқи мавзусини янги инновацион технологиялар асосида ўтиш методикаси монографик ёки дисертацион тарзда мустақил ўрганилмаган.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Мамлакатимизда қабул қилинган кадрдар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ академик-лицей ва касб-ҳунар коллежларида меҳнат ҳуқуқи асосларини ўқитишда “case-study” технологиясини қўллаш методикасини ишлаб чиқиш, ҳуқуқшунослик фанлар

⁸ О Каримова, М Давлетова Ҳуқуқни ўқитиш методикаси Т 2009

⁹ О. Каримова, Х Сайдивалиева, Н. Акаева Ҳуқуқни ўқитиш методикаси Т 2010

негизида меҳнат ҳуқуқи асослари мавзусига оид дарсларни замонавий таълим воситасида ташкил этишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг вазифаси. Мамлакатимиз таълим тизими олдида турган долзарб масалаларга ҳамоханг ҳолда етук малакали кадрлар тайёрлашга ҳисса қўшишдан иборат. Битирув малакавий ишининг вазифалари қуйидагилардир:

1. Меҳнат ҳуқуқи фанини ўрганишга доир ҳуқуқий меёрий ҳужжатлар таҳлили билан танишиш;
2. Ўрта махсус касб - ҳунар таълимида меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ва объектлари, меҳнат қонунчилиги масалаларини ёшлар онгига сингдириш усулларини ўрганиш;
3. Касб-ҳунар коллежларида меҳнат ҳуқуқ асослари мавзусини ўқитишда “Case-stady” технологиясини қўллаш методикасини ўрганишнинг мақсад ва вазифаларини кўрсатиб бериш;
4. Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимида меҳнат ҳуқуқи асослари мавзусини ўқитишда “Case-stady” технологиясини қўллаш бўйича тажриба синов ўтказиш;
5. Касб ҳунар коллежларида ҳуқуқшунослик фанлари негизида меҳнат ҳуқуқи асослари мавзусини ўқитишга доир услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш

Битирув малакавий ишининг объекти сифатида ўрта махсус касб ҳунар таълими тизимида ҳуқуқшунослик фанлари негизида меҳнат ҳуқуқи асослари дарси ва уни ташкил этишнинг янги педагогик технологиялари танланган.

Битирув малакавий ишининг предмети сифатида эса меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар, меҳнатга оид қонунчиликни, меҳнатга оид ҳуқуқий тарбияни қандай қилиб ўрта махсус таълим тизимида таҳсил олаётган ўсмир ёшлар онгига сингдириш усул ва воситалари билан боғлиқ ҳуқуқий

муносабатлар, уларни тартибга солишга қаратилган меёрлар мазмуни, моҳияти ва амалиётда қўлланиш муаммолари, меҳнат ҳуқуқи асослари мавзусини ўқитиш билан боғлиқ муаммолар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг методи: Битирув малакавий ишини ёзишда кузатиш, анализ синтез, моделлаштириш, эксперимент, қиёсий ҳуқуқий, мантиқий таҳлил, адабиёт материалларини умумлаштириш усулларида фойдаланилди. Битирув малакавий ишининг асосий манбалари бўлиб Ўзбекистон республикаси конституцияси¹⁰, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси¹¹, меҳнат ҳуқуқига доир Олий мажлис қонунлари, меҳнат ҳуқуқини ўқитиш билан боғлиқ фан дастурлари, методик қўлланмалар, давлат таълим стандартлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти меҳнат ҳуқуқи мавзусига оид дарсларни ташкил этиш методикаси асосида ўрганилган, таҳлил этилган назарий билимлардан амалий хулосалар чиқариш, шунингдек битирув малакавий ишидаги меҳнат ҳуқуқи мавзуларини ўқитиш билан боғлиқ меёрий ҳужжатлар ижросини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан изоҳланади. Битирув малакавий ишида илмий материалларни ўрганиш, амалдаги қонунчиликни ва амалиётда қўллашни таҳлил этиш асосида янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда меҳнат ҳуқуқига доир дарсларни ташкил этиш ва унинг назарий асосларини ўрганишга уриниб кўрилди. Битирув малакавий иши натижаларидан мавзуга доир услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иш кириш, 7 та параграфни бирлаштирган 3 та боб, хулоса, мавзуга оид таянч сўзлар, фойдаланилган адабиётлар ва илова материалларидан иборат.

¹⁰ Ўзбекистон республикаси конституцияси . Адолат 2012 йил

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сон

I - БОБ МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ ВА УНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ёшлар онгида меҳнатга оид ҳуқуқий билимларни шакллантиришда “Меҳнат ҳуқуқи” нинг аҳамияти

Маълумки, кишилиқ жамиятининг тараққиёт тарихида меҳнатнинг роли беқиёсдир. Меҳнат инсон ҳаётининг асосий шарти бўлиб ҳисобланади. Меҳнат ҳуқуқи ҳуқуқ тармоқлари орасида етакчи ўринда туради. Меҳнат ҳуқуқи ижтимоий меҳнатга оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар системасидан иборатдир. Бу муносабатлар меҳнат бозорига амал қилиш, меҳнатни ташкил этиш ва меҳнатни қўлланиш жараёнида ҳосил бўлади.

Меҳнат ҳуқуқи ҳуқуқшунослик фанлари тизимида муҳим тармоқ бўлиб, унинг вазифаси кишиларнинг меҳнاتини қўлланишда рўёбга келадиган ижтимоий меҳнатга оид муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Чунки меҳнат мушкул ва ақлий куч-қувватнинг сарфланиши эмас, балки кишиларнинг ижтимоий фойдали фаолиятидир.¹²

Ёшлар онгида меҳнатга оид ҳуқуқий билимларни шакллантириш давлатнинг иқтисодий барқарорлигин таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки тарихдан яхши маълумки иқтисодий жихатдан барқарор мамлакатгина тинчлиги ва хавфсизлигини барқарор ушлаб тура олади.

Конституциямизнинг 37 моддасида ҳам фуқароларни меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқи кафолатланган.¹³

Муҳими шундаки, меҳнатга оид ижтимоий муносабатларда меҳнат четдан кирган элемент эмас, балки унинг асосий мазмунини ташкил этади, айни вақтда у ишчи кучини бевосита ишлаб чиқариш қуроллари билан боғлаши билан ҳарактерланади. Меҳнат ҳуқуқи шундай ижтимоий муносабатларни тартибга соладик, бу муносабатлар кишиларнинг меҳнат

¹² Усмонова М. А., Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи: Ўқув қўлланма. – Т. 2001 54 бет.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси . Адолат Т 2012 й . 37 модда

қобилиятини қўлланиш пайтида махсус равишда келиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, меҳнатни ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришнинг объекти моддийлаштирилган, яъни пул ёки товар ҳолатига келтирилган меҳнат эмас, жонли меҳнатнинг ўзи, унинг ташкил этилиши ва шарт-шароитларидан иборатдир.

Юқорида айтилганидек, меҳнат ҳуқуқининг предмети ишлаб чиқариш жараёнида рўёбга келадиган ижтимоий муносабатлар, яъни меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ходимларнинг меҳнатини ишлаб чиқариш жараёнида қўлланишда келиб чиқадиган меҳнатга оид муносабатлардир. Бундай ижтимоий муносабатлар меҳнат ҳуқуқи предметининг ядросини (ўзагини) ташкил этади.

Турмушда меҳнат ҳуқуқининг предметини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар тизимига меҳнатга оид муносабатлардан ташқари, улар билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа муносабатлар ҳам киради. Бу муносабатлар меҳнатга оид муносабатлардан олдин келиши ёки улар билан ёнма-ён келиши, ёхуд бевосита меҳнатга оид муносабатлардан келиб чиқиши мумкин.

Булар:

Меҳнат соҳасидаги ташкилий бошқарувга оид муносабатлар;

Ишга жойлаштиришга оид муносабатлар;

Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ муносабатлар;

Меҳнат муҳофазасига ва меҳнат қонунларига риоя этилишини назорат қилишга доир муносабатлар;

Меҳнат низоларини (якка ва жамоаларга доир) ҳал қилиш билан боғлиқ муносабатлар¹⁴.

¹⁴ Гасанов М., Соколов Е. Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. Саволлар ва жавоблар. – Т., 1999й. 48 бет.

Умумий меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади.

Маълумки, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мулкнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, биргаликда меҳнат қилаётган шахсларнинг иқтисодий ҳолати ҳам турличадир. Юридик адабиётларда уларнинг ишлаб чиқариш қуролларига нисбатан бўлган муносабатларига қараб меҳнатнинг ҳам икки кўриниши мавжуд деб кўрсатиш ҳоллари учрайди: масалан, мустақил меҳнат ва меҳнатнинг аралаш шакли.

Ходимларнинг меҳнатга оид муносабатларини тартибга солишда меҳнат ҳуқуқи қўлланадиган методининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: биринчидан, меҳнатга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солиш марказлаштирилган ва локал нормалар билан бирга қўшиб олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг ёки Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенсиясининг қоидалари меҳнатга оид муносабатлар бевосита қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ҳолларда ҳам қўлланади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, юридик адабиётларда узоқ йиллар давомида меҳнат ҳуқуқининг методи хусусида турли фикрлар мавжуд.

Бизнинг фикримизча, меҳнат ҳуқуқи методининг ўзига хос жиҳатлари юқорида эслатилган белгилардан иборат бўлмоғи лозим. Меҳнат ҳуқуқи методининг бу белгиларининг ҳар бирини алоҳида-алоҳида қараб чиқиш лозим.

Меҳнат ҳуқуқи методининг энг дастлабки белгиси - бу меҳнат соҳасида муносабатларни тартибга солишнинг марказлаштирилган ва локал усуллариининг бирга қўшиб олиб борилишидир. Бунинг маъноси шундан иборатки, биринчи навбатда ижтимоий меҳнат давлат томонидан белгиланган ҳуқуқий нормалар орқали бошқарилади. Шу билан бирга муносабатларни тартибга солишнинг локал усули ҳам қўлланилади. Бунга

мисол қилиб, Меҳнат кодекси 1-моддасини кўрсатиб ўтиш kifоядир. Мазкур модданинг биринчи қисмининг мазмуни шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.¹⁵

Маълумки, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тармоғи ўзига хос хусусиятларга эгадир. Айни вақтда алоҳида регионлардаги ишлаб чиқариш тармоқлари ҳам ўз хусусиятларига эгадир. Масала шундан иборатки, меҳнатга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солишда бу икки усулнинг қўшиб олиб борилиши натижасида корхоналар, муассаса ва ташкилотларда меҳнатнинг ўзига хос бўлган шарт-шароитларини эътиборга олиш имконияти туғилади.

Бундай усулда тартибга солишнинг аҳамияти шундаки, ходимлар меҳнат ҳуқуқларининг минимум кафолатлари белгиланади, чунончи, меҳнатнинг экстенсив, яъни кейинчалик миқдори кўпайтирилиши кўзда тутилган меҳнат меъёрлари, масалан, меҳнат таътилининг асосий муддати, иш ҳақининг энг кам миқдори ва бошқалар, қисқаси, кодекснинг 4-моддасида таъкидланганидек, ходимлар учун меҳнат ҳуқуқларининг ва кафолатларининг энг паст даражаси қонунлар билан белгилаб қўйилади. Бунинг учун турли масалаларга оид муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади. Бунда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек касабалар уюшмасининг марказий органлари иштирок этадилар. Меҳнат кодексининг 9-моддасида таъкидлаб ўтилганидек, меҳнат соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари амалга оширади. Энг муҳими, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, аксарият ҳолларда, мажбурийлик, шунингдек тавсия ҳарактерида бўлади.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сон 14 бет.

Ўз навбатида меҳнатга оид муносабатларни локал усулда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда корхоналарда иш вақти режими, меҳнат таътили графиклари, жамоа шартномасининг мазмуни ва шартлари, марказлаштирилган тартибдаги норматив ҳужжатларда белгиланган ходимларнинг кўшимча имтиёз ва кафолатлари акс эттирилади. Бунда, бир томондан, иш берувчи, иккинчи томондан эса, меҳнат жамоаси, касабалар уюшмаси ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари иштирок этадилар. Локал тарзда муносабатларни тартибга солиш оқибатида қабул қилинган норматив ҳужжат фақат муайян корхона доирасида амалда бўлади. Маълумки меҳнат ҳуқуқи муайян вазифаларни бажаради.

Меҳнат ҳуқуқининг функциялари деганда, ҳуқуқий жиҳатдан таъсир ўтказишнинг асосий йўналишлари тушунилади. Бу нарса муайян ҳуқуқ нормасининг жамият ҳаётида қандай хизмат учун тайинланганлигини билдиради.

Меҳнат ҳуқуқи икки турдаги функцияларни, яъни: ишлаб чиқариш ва ҳимоя функцияларини бажаради.

Умуман, меҳнат ҳуқуқи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, идеологик (тарбиявий) функцияларни бажаради. Чунончи:

ишлаб чиқаришга таъсир ўтказиш йўли билан иқтисодий функцияни бажаради;

ишлаб чиқаришда ходимларнинг ижтимоий-сиёсий активлигини оширишга кўмаклашиб, сиёсий (бошқарув) функциясини бажаради;

ижтимоий меҳнатни ривожлантириб, идеологик (тарбиявий) функцияни бажаради;

меҳнат қилиш ҳуқуқининг эркинлигини таъминлаган ҳолда ижтимоий функцияни бажаради.¹⁶

Хулоса, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали

¹⁶ Иноятов А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи: Дарслик. – Т., 2002. 63 бет.

амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт- шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат муносабатларининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади.¹⁷

Маълумки, меҳнат ҳуқуқи ижтимоий фан сифатида фақат меҳнат жараёнида намоён бўладиган ижтимоий муносабатларни ўрганади, холос. Меҳнат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинувчи бундай ижтимоий муносабатлар худди шу ҳуқуқ нормалари билан биргаликда меҳнат ҳуқуқи фанининг предмети ташкил этади. Лекин бу фан мазкур объектни ўрганиш билан чекланмайди. Меҳнат ҳуқуқи фани ўрганадиган объект билан меҳнат ҳуқуқининг тартибга солиш объекти ўртасида нормалар йиғиндиси сифатида тўғридан-тўғри ва бевосита алоқа мавжуд. Лекин бу фаннинг ўрганиш объекти билан уни тартибга солиш объекти бир хил эмас. Ўрганиш тартибга солишга қараганда анча кенг маънога эга.

Меҳнат ҳуқуқи фани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш жараёни билан чамбарчас боғлиқдир. У муайян ҳуқуқий тушунчалар ва илмий таърифларнинг вужудга келишига, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ривожланишига ёрдам беради. Булар эса ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ишида, хусусан ҳуқуқ яратувчилик ва ҳуқуқни амалиётда қўлланиш жараёнида муҳим рол ўйнайди. Бу айниқса меҳнат ҳуқуқини кодификациялаш иши амалга оширилишида яққол намоён бўлади.

Меҳнат ҳуқуқининг системаси деганда, меҳнат ҳуқуқи нормаларининг илмий жиҳатдан асосланган равишда жойланиш тартиби ва классификациясини тушунилади. Меҳнат ҳуқуқи тармоғининг бутун системаси икки қисмга бўлинади.

Меҳнат ҳуқуқи умумий ва махсус қисмлардан иборат. Умумий қисмда меҳнат ҳуқуқининг тушунчаси ва предмети, методи, функциялари, меҳнат

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 2-модда 1996 йил

ҳуқуқининг принциплари, меҳнат ҳуқуқининг манбаалари ва меҳнат ҳуқуқининг субъектлари, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар, ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллиги жамоа шартномалари ва келишувлари каби институтларга доир ҳуқуқ нормалари ўрганилади.

Махсус қисмда эса, меҳнатга оид муносабатларнинг алоҳида элементларини бошқарувчи ёки унга боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг алоҳида турларини тартибга солувчи ва шулар натижасида келиб чиққан алоҳида институтлар ўрганилади. Булар қуйидаги мавзулардан иборат:¹⁸

аҳолини ишга жойлаштириш;

меҳнат шартномаси(контракт);

иш вақти;

дам олиш вақти;

меҳнатга ҳақ тўлаш;

кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари;

меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги;

меҳнат интизоми;

меҳнат муҳофазаси;

айрим тоифадаги ходимларга бериладиган қушимча кафолат ва имтиёзлар;

Меҳнат низолари.

Давлат ижтимоий суғуртасига оид масалалар ижтимоий таъминот ҳуқуқида махсус ўрганилади.

Меҳнат ҳуқуқи тармоғи системасидан меҳнат қонунчилиги системасини фарқ қилмоғи лозим. Меҳнат ҳуқуқи системаси барча ҳуқуқий нормалар мажмуасини ўз ичига олади. Меҳнат қонунчилиги системаси эса бундан ташқари меҳнатга оид барча ҳужжатларни ҳам қамраб олади.

Меҳнат ҳуқуқи фанининг системаси ўз предмети ва мазмуни жиҳатидан меҳнат ҳуқуқи ҳамда меҳнат қонунчилиги системаларига қараганда кенгдир.

¹⁸ Меҳнат ҳуқуқи. Маърузалар курси Ж. Т. Холмўминов, А. Х. Дусманов, Т. Н. Тиллаев. Академия 2007

Меҳнат ҳуқуқи фани системасида унинг ҳуқуқий нормаларидан ташқари меҳнатни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги халқаро ҳуқуқий нормалар, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенсиялари ва тавсияномалари, шунингдек давлатлараро шартномалар ҳам ўрганилади.

Маълумки, ҳаётда ижтимоий муносабатлар бир-бири билан ҳамма вақт боғлиқдир.

Бу ижтимоий муносабатлар ҳуқуқнинг қайси соҳасига тааллуқлилигини аниқлаш эса жуда муҳимдир.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларга фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари жуда яқин туради.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг объекти-муайян меҳнат топшириғини бажариш ёки хизмат кўрсатиш ва ҳоказолардан иборатдир.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари, биринчидан, ашёлар, иккинчидан, ҳаракатлар, учинчидан, ижодий меҳнат натижалари, тўртинчидан, мулкӣ ҳарактерда бўлмаган шахсий ҳуқуқлар ва бошқалар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2-моддасида таъкидланишича, фуқаролик қонун ҳужжатлари шартнома мажбуриятлари ва бошқа мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулкӣ ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солади.

Фуқаролик ҳуқуқининг предметини ташкил этувчи муносабатлар, аксарият ҳолларда қиймат шаклида намоён бўлади.

Меҳнатга оид муносабатларнинг асосий мазмунини меҳнат жараёни, жонли меҳнат ташкил қилади. Мулкӣ муносабатларнинг объектини эса мулкка айлантирилган меҳнат ташкил этади.

Шунинг учун эса меҳнат ҳуқуқи нормаларида ишчи кучини қўлланиш шартлари ўрнатилади.

Айни вақтда меҳнат ҳуқуқи билан маъмурий ҳуқуқ ўртасида ўзаро яқинлик мавжуддир.

Маълумки, меҳнатга оид муносабатларнинг предметини кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятлари ташкил этади.

Ҳукукий муносабатларнинг субъектлари эса фақат меҳнат просессида бир-бирларига бўйсинадилар.

Меҳнат ҳукуқининг маъмурий ҳукуқдан фарқи шундаки, иш берувчининг бутун "ҳокимияти" ўша корхона ичига қаратилган. Айтиш мумкин, у фақат шу корхона ходимларига нисбатан қўлланилади, маъмурий ҳукуқда эса унинг нормалари барча фуқароларга тадбиқ этилади.

Шуни эслатмоқ керакки, меҳнат ҳукуқи билан қишлоқ хўжалик ҳукуқининг фарқини ажратишда жиддий қийинчиликлар мавжуддир. Бунда, аввало, меҳнаткашнинг қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати) аъзоси ёки аъзоси эмаслигини аниқлаш лозим. Чунки меҳнат ҳукуқи меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ходимларнинг меҳнатга оид муносабатларини тартибга солади. қишлоқ хўжалиги ҳукуқи эса қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат) аъзоларининг меҳнат билан боғлиқ муносабатларини тартибга солади. Лекин меҳнат қонунчилигининг айрим нормалари, масалан, меҳнат муҳофазасига доир қоидалар қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) ходимларига ҳам тадбиқ этилади.

Ва ниҳоят, меҳнат ҳукуқи ижтимоий таъминот ҳукуқидан тубдан фарқ қилади. Улар ўзига хос жиҳатлари билан ҳукуқнинг мустақил тармоқлари сифатида бир-биридан ажралиб туради. Аввало шуни айтиш лозимки, бу ҳар иккала ҳукуқ соҳасининг методи ҳам ўзгачадир. Ижтимоий таъминот ҳукуқининг методи шу билан фарқ қиладики, ижтимоий таъминот ҳукуқи нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар шартнома асосида келиб чиқмайди. Шунингдек, ижтимоий таъминот ҳукуқида муносабатлар асосан марказлаштирилган ҳукукий нормалар орқали тартибга солинади.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий таъминот ҳукуқининг нормалари асосан меҳнат фаолияти даврида эришилган меҳнат стажига, ходимнинг ёки фуқаронинг ёшига боғлиқ бўлади. Айтиш мумкин, бундай ҳукуқ нормалари

асосан меҳнат фаолиятини тўхтагандан кейин қўлланилади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда эса бу ҳуқуқ нормалари ходим ижтимоий меҳнатда иштирок этганлигидан қатъий назар тадбиқ этилади.

Ёшлар бўлғуси ходим, давлатни вазифаларини келажакда ўз зиммасига олувчи ва бажарувчи кадр саналади. Шунинг учун ҳам узлуксиз таълим тизими негизида уларни меҳнатга оид ҳуқуқий билимларини шакллантириб бориш таълим тизими олдида турган долзарб масала саналади.

1.2. Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар

Умумий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий муносабатлар ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган (яъни субъектлар) ўртасидаги ҳуқуқ нормалари ва муайян юридик фактлар асосидаги алоқа деб таърифланади. Тўғри, ҳаётдаги мавжуд ижтимоий муносабатлар ҳуқуқ ёрдамида тартибга солинади. Бу айтилганлардан хулоса шуки, умумий назария фанидан ижтимоий муносабатлар доим ҳуқуқ нормалари билан боғлиқ ҳолда учрайди, деб қаралади. Зотан, ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ нормалари ёрдамида тартибга солинадиган қисми ҳуқуқий муносабатларни ташкил қилади.

Юридик адабиётларда билдирилган фикрларга кўра хулоса шуки, меҳнат ҳуқуқи соҳаидаги ҳуқуқий муносабатлар - бу меҳнат қонунчилиги нормалари билан тартибга солинган меҳнатга оид муносабатлар ва улар билан узвий боғлиқ бўлган ходимларнинг меҳнат бўйича муносабатларидан иборатдир, яъни бу меҳнат ҳуқуқи субъектларининг юридик алоқасидир.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари ҳамма вақт меҳнат ҳуқуқи нормалари асосида амал қиладилар.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат ҳуқуқининг предмети ташкил этувчи барча ижтимоий муносабатлар меҳнат қонунчилиги нормалари билан суғорилган бўлиб, улар доим меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар қиёфасида мавжуд бўлади.

Ҳар бир меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатнинг мазмуни ҳуқуқий хусусиятга эга бўлиб, у давлатнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари таъсири натижасида келиб чиқади.

Умумий тарзда тан олинган ва меҳнат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг асосий турлари қуйидагилардан иборатдир:

меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар;

касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан иш берувчилар ўртасидаги ташкилий-бошқарувга оид муносабатлар;

ишга жойлаштиришга доир ҳуқуқий муносабатлар;

корхоналарда кадрларни тайёрлаш ва малакани оширишга оид муносабатлар;

меҳнат муҳофазасини назорат қилишга оид муносабатлар;

меҳнат низоларини кўришга оид процессуал муносабатлар.

Бизнинг фикримизча, меҳнат ҳуқуқи нормалари қўлланиши натижасида келиб чиқадиган муносабатларнинг ҳаммасини меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар деб кўрсатиш маъқулдир.

Маълумки, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг юридик шакли бўлиб, улар ходим билан иш берувчи ўртасида меҳнат юзасидан келиб чиқади.

Меҳнат ҳуқуқига оид юридик адабиётларда билдирилган меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларнинг таърифи мантиқан ва мазмунан бир хилдир.

Шу фикрлар юзасидан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкин. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар-бу ходим билан иш берувчи ўртасидаги ихтиёрий равишдаги алоқа бўлиб, бунга кўра ходим корхонада муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ўзининг меҳнат функциясини ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, иш берувчи эса меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, жамоа шартномалари, меҳнат шартномаларида белгиланган шартлар асосида ҳақ тўлаш ва амалдаги қонунчиликка кўра тегишли меҳнат шароитини

яратиб бериш мажбуриятини олади. Кўриниб турибдики, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар ҳақидаги бу тушунча меҳнат шартномаси ҳамда амалдаги қонунлар мазмунидан келиб чиқади.

Меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари, бир тарафдан, ходим, иккинчи тарафдан эса иш берувчи бўлиб, улар ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатларига эга бўлмоқлари лозим. Шундагина меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар рўёбга келади. Ходим Ўзбекистон Республикасининг муайян ёшга етган фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардир (МКнинг 14-моддаси). Иккинчидан тарафдан корхона, муассаса, ташкилотлар, шунингдек 18 ёшга тўлган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлади (МКнинг 15-моддаси).

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги меҳнат билан боғлиқ бўлган турдош муносабатлардан қўйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

биринчидан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти ҳамма вақт корхона меҳнат жамоаси таркибига қўшилади, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида бу йўқ;

иккинчидан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар предмети бевосита ижтимоий меҳнат жараёнининг ўзи бўлиб, бунда бажариладиган иш ходимнинг эса муайян функциясига тааллуқлидир.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида эса унинг предмети мулкка айлантирилган меҳнатнинг натижасидир;

учинчидан, ходим корхонадаги ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда ўзининг меҳнат функциясини бажаради ҳамда интизомни бузганлик учун жавобгар бўлади;

тўртинчидан, амалдаги қонунчиликка биноан ходимнинг меҳнатини ташкил қилиш ва уни муҳофаза этиш иш берувчи зиммасига юклатилган. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида эса фуқаронинг ўзи ўз меҳнатини

ташқил қилади ва муҳофаза этади. Маълумки, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни, унинг субъектлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуидан иборатдир;

бешинчидан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар узлуксиз давом этувчидир. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари эса муайян (топшириқ, пудрат, муаллифлик) шартномалар бўйича белгиланган иш бажарилгач, тугайди.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар ўз мазмунига эга бўлиб, бу уларнинг субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан иборатдир. Бу нарса субъектларнинг ҳуқуқий статусларида намоён бўлади. Чунки бу статусларда ходимларнинг статутлар билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг кафолатлари йиғиндисидан иборат бўлиб, охир оқибат уларнинг барчаси ходимнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб беради. Конституцияга мувофиқ, ходимнинг эркин иш танлаш, келишилган меҳнат функциясига оид ишни бажариш ҳамда уни қонунбузарлик ҳолатларида ҳимоя қилиш ходимнинг ҳуқуқий ҳолатининг асосий қисмини ташқил этади. МКнинг 170-моддасига кўра, ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол ҳамда виждонан бажариши лозим. Айни вақтда ходимнинг муайян мутахассислик, малака, лавозимига мувофиқ келувчи меҳнат функциясини қонуний асослар бўлмаган ҳолда ўзгартиришга йўл қўйилмайди, чунки меҳнатнинг шартларини ўзгартириш қандай тартибда белгиланган бўлса, шундай тартибда амалга оширилади. Ходимнинг меҳнат шартномасида белгиланган меҳнат функцияси меҳнат шартномасининг асосий шартларидан бири бўлиб, муҳим аҳамиятга эгадир. Айни вақтда меҳнат шартномаси ҳам, шунингдек унинг асосида келиб чиқадиган меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар ҳам алоҳидалик хусусиятига эга бўлиб, улар икки тарафламадир. Бунинг мазмуни шундан иборатки, бутун бир корхонада ташқил этилган меҳнат жараёнида меҳнат шартномасига мувофиқ иштирок этаётган меҳнат жамоасининг ҳар бир аъзоси билан иш берувчи ўртасида алоҳида-алоҳида меҳнатга оид

ҳуқуқий муносабат мавжуд бўлади. Шундан келиб чиқиб хулоса қилиш лозимки, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни субъектлар ўртасида тузилган меҳнат шартномаси билан, шунингдек бундай шартнома тузилганлиги сабабли татбиқ этиладиган меҳнат қонунчилиги нормалари, жамоа шартномаси ва жамоа келишувлари билан белгиланади.

Бундай меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда субъектлар сифатида корхонанинг меҳнат жамоаси ҳамда шу жамоанинг ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний вакил сифатида касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари иштирок этадилар. Шу боис ташкилий-бошқарувга оид муносабатлар:

а) меҳнат жамоаси билан иш берувчи ўртасида;

б) касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан иш берувчи ўртасида келиб чиқади. Бундан ҳуқуқий муносабатлар асосан меҳнатни ташкил қилиш, меҳнатнинг шартларини ўрнатиш, ўзгартириш, жамоа шартномаларини тузиш, меҳнат жамоасининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилиги нормаларини тадбиқ этиш каби масаллар юзасидан келиб чиқади. Таъкидлаш жоизки, булардан ташқари бу ҳуқуқий муносабатлар давлат ва касаба уюшмалари органлари, шунингдек тегишли поғонадаги иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари ҳамда касаба уюшмалари органларининг алоқаларига ҳам дахлдордир.

Маълумки, ташкилий-бошқарувга оид ҳуқуқий муносабатлар орасида меҳнат жамоаси ва иш берувчи, шунингдек касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан иш берувчи ўртасидаги муносабатлар катта аҳамиятга моликдир. Бу каби ҳуқуқий муносабатлар, одатда, меҳнат шартларини ўрнатиш ва меҳнат қонунчилиги нормаларини тадбиқ этиш масалалари юзасидан келиб чиқади. Бу каби ҳуқуқий муносабатларда меҳнат ҳуқуқининг субъектлари бўлмиш меҳнат жамоаси, шунингдек касаба уюшмаси ва иш берувчиларнинг ҳуқуқий статуслари амалга оширилади. Чунки бу эслатилган субъектлар томонидан асосан

меҳнатни ташкил қилиш, такомиллаштириш ва муайян нормативларни белгилаш ҳамда амалдаги меҳнат шартларини қўлланиш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш масалалари ҳал қилинади.

Маълумки, меҳнат жамоасининг ваколатлари, касабалар уюшмасининг ҳуқуқлари меҳнат қонунчилиги билан белгиланади, бунга қўшимча тарзда жамоа шартномалари ва келшиувлари, корхонанинг уставлари билан белгиланади.

Бу субъектларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда қандай тарзда иштирок этиши уларнинг қай поғонага тегишли эканлиги ҳамда масалаларни ҳал қилиш борасида уларга қандай конкрет ҳуқуқлар берилганлигига боғлиқдир. Масалан, жамоа шартномасини тузиш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқига касаба уюшмаси, ходимлар томонидан ваколат берилган бошқа вакиллик органи ёки бевосита меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) эгадир (МКнинг 35-моддаси).

Ва ниҳоят, жамоа шартномасини тузиш, уни тасдиқлаш ва имзолаш ҳуқуқи касаба уюшмасига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларига берилган (МКнинг 36 ва 40-моддаси). Унинг бажарилишини текшириб бориш вазифаси эса бошқа органлар билан бир қаторда меҳнат жамоаси ваколатига ҳам тегишлидир (МКнинг 40-моддаси).

МКнинг 174-моддасига мувофиқ, корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан келишиб тасдиқланади.

Меҳнат жамоаси ваколатлари, гарчи қонунчиликда бирор жойда жамлаб кўрсатилмаган бўлсада, лекин меҳнат қонунларининг деярли ҳамма нормаларида ўз аксини топган, деб айтиш мумкин. Корхона ташкил топган вақтдан бошлаб меҳнат жамоаси тегишли кафолатларга эга бўлади.

Корхона тугатилиши билан меҳнат жамоасининг ваколати ҳам тугайди. Айни вақтда касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг ваколатлари ҳам тугайди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки,

МКнинг 31-моддаси мазмунига кўра, жамоа келишувларини тузш билан боғлиқ ташкилий-бошқарувга оид айрим ҳуқуқий муносабатлар, гарчи корхона доирасидан ташқари бўлса ҳам, унинг субъектлари бир томондан, ходимларнинг вакили сифатида касаба уюшмаларининг тегишли органлари иккинчи томондан, иш берувчилар бирлашмалари, баъзан эса учинчи томондан ижроия ҳокимият органлари бўлиб ҳисобланади. Бу ҳуқуқий муносабатлар иш берувчи билан жамоа шартномаси келишувларини тузиш ҳақида музокараларни бошлаш факти туфайли рўёбга келади. Тегишли ёзма хабар олган тараф етти кунлик муддат ичида музокараларга киришмоғи шарт (МКнинг 31-моддаси).

Жамоа келишувларининг амал қилиш муддати уч йил бўлиб, шундан сўнг уларнинг амал қилиши тугайди (МКнинг 54-моддаси). Ана шу факт асосида ташкилий-бошқарувга оид ҳуқуқий муносабатлар ҳам бекор бўлади.

Маълумки, аҳолини ишга жойлаштиришга доир бундай ҳуқуқий муносабатларни кенг маънода талқин этмоқ лозим. Чунки бундай ҳуқуқий муносабатларнинг мавжудлиги бевосита фуқароларнинг Конституцияда кўрсатилган меҳнат қилиш ҳуқуқлари ва қонунчиликда белгиланган, уни амалга ошириш кафолатлари билан боғлиқдир. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” 1998 йил 1 майдаги қонуни муҳим аҳамиятга моликдир. Мазкур қонунда аҳолини иш билан таъминлашга оид муносабатларни тартибга солиш, эркин меҳнат қилиш принципини амалга ошириш борасидаги кафолатлар белгилаб берилди.

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб келаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тадбиқ этилади (Мазкур қонуннинг 1-моддаси).

Меҳнатни рағбатлантириш ва манфаатдорликни ошириш соҳасида бошқарувни ташкил этиш даражасини ошириш ва ҳамда такомиллаштириш,

аҳолини иш билан оқилона таъминлаш, ижтимоий таъминот тизимини яхшилаш, эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳатларни тобора чуқурлаштириш шароитида ижтимоий муҳофазани кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 13 февралдаги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташкил этилди.

Мазкур Фармонға мувофиқ, меҳнат бозорини шакллантириш ва меҳнатга қобилиятли аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш борасида фаол сиёсатни ўтказиш, меҳнат ресурслари баланслари асосида иш жойларини яратиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш вазирликнинг асосий вазифаси этиб белгиланди

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш ҳамда фуқароларга тегишли кафолатларни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг маҳаллий органлари томонидан амалга оширилади.

Мазкур вазирлик:

- меҳнат бозорини таҳлил этади ва истиқболини белгилайди ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;
- аҳолини иш билан таъминлаш масалалари юзасидан маҳаллий давлат ҳокимият органлари ва маҳаллий меҳнат органларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;
- Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан ишсиз шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш жойларини яратиш, иш билан банд бўлмаган аҳолини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш учун фойдаланишнинг йўналишларини белгилайди;
- аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлайди;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

Маҳаллий меҳнат органлари:

- Фуқароларга маъқул келадиган ишни танлашда, корхоналар муассасалар, ташкилотлар ва бошқа иш берувчиларга эса зарур ходимларни танлашда ёрдам беради. Ишламаётган фуқароларни касбга ўргатиш, қайта ўрганиш ва масаласини ошириш тўғрисида ўқув юртлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан шартномалар тузади;
- Ишсиз шахсларни рўйхатга олишни таъминлайди ва уларга ёрдам кўрсатади, шу жумладан нафақалар тайинлаш ва тўлашни амалга оширади;
- Аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади;
- корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан мўлжалланаётган тузилмавий ўзгаришлар ҳамда амалга оширилиши натижасида ходимлар ишдан озод этилиши мумкин бўлган бошқа тадбирлар тўғрисида, шунингдек бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) бор-йўқлиги, меҳнатнинг хусусияти ва шароитлари тўғрисида ахборотлар олади;
- меҳнат органларига мурожаат этган фуқароларни касб тайёрганлиги ва малака даражасига мувофиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга уларда бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) бўлган тақдирда, ишга жойлаштириш учун юборади ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Аҳолини ишга жойлаштиришга доир ҳуқуқий муносабатлар учта мустақил, лекин бир-бири билан узвий равишда боғлиқ бўлган муносабатлардан иборат бўлаб, булар:

- маҳаллий меҳнат органи билан иш қидираётган фуқаро ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар;
- маҳаллий меҳнат органлари билан иш берувчи ўртасидаги муносабатлар;
- ишсиз шахс билан иш берувчи ўртасидаги муносабатлар.

Бу учала ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар бири ўз субъектлари мазмуни жиҳатидан мустақилдир. Лекин улар фуқарони ишга жойлаштиришда кўмак бериш, иш берувчиларни муносиб кадрлар билан таъминлаш каби умумий мақсад йўлида бир-бирлари билан ҳамма вақт боғлиқдир. Уларни қичқача таҳлил этамиз: маҳаллий меҳнат органи билан фуқаро ўртасидаги ҳуқуқий муносабат шу фуқаро ишга ўрнашиш хусусида меҳнат органига ариза билан мурожаат қилган пайтдан бошлаб рўёбга келади.

Фуқароларнинг аризаси эса бу ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқарувчи асос бўлиб ҳисобланади. Мазкур қонунга биноан, ишсиз шахс дарҳол рўйхатга олинади ва ҳуқуқий муносабат ишсиз шахс билан маҳаллий меҳнат органлари ўртасида давом этаверади. Бундай ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни иш қидирувчининг ўз вақтида рўйхатдан ўтилиши ҳамда маҳаллий меҳнат органининг мақбул келадиган иш билан таъминлаш ҳақидаги йўлланмасидан фойдаланиш каби мажбуриятларни ташкил этади.

Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунда таъкидланганидек, давлат томонидан фуқароларни янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитиш, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакани ошириш имконияти яратилганлиги, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг муҳим кафолатларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу жараёнда шогирдликка, кадрлар малакасини оширишга ва ўқитиш ишларига раҳбарлик қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқади.

Шогирдликка оид ҳуқуқий муносабатлар тузилган шартнома асосида келиб чиқади ва улар ишсиз фуқарони янги касбга ўқитиш билан боғлиқ бўлади. Маълумки, бозор муносабатлари шароитида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрла, уларнинг малакасини ошириш-тўла ва самарали иш билан таъминлашга кўмаклашувчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб, унга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларининг бири сифатида

қаралади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 1999 йил 24 апрелдаги “Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида” низом тасдиқланиб, Адлия вазирлигида 1999 йил 2 июлда 762-сонли рақам билан рўйхатга олинган. Мазкур Низомда Ўзбекистон Республикасида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизими орқали уларни касбга ўқитиш ва қайта ўқитиш, малакасини ошириш босқичлари ва тартиби белгиланган. Низомда кўрсатилишча, бу тизим таркибига:

- Ўзбекистон Республикаси ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир масалалар билан шуғулланадиган тузилмавий бўлинмалари;
- меҳнат органларининг жойлардаги ўқув марказлари;
- корхона, муассаса, ташкилотларнинг ўқув бўлинмалари;
- Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари (академик лицейлар қошидаги ўқув муассасалари);
- тегишли рухсатномага эга бўлган тижорат ва хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар, уюшмалар;
- шогирдликка касб ўргатиш имкониятларига эга бўлган “Ўрнарсиз” уюшмасига аъзо бўлган тадбиркор халқ усталарининг мактаблари;
- меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин, агар:
- ишсиз шахс зарур касб, малакасига эга бўлмаганлиги туфайли унга мақбул келадиган иш танлаш мумкин бўлмаса;
- ишсиз шахснинг касб кўникмаларига мос келадиган иш йўқлиги сабабли унинг касбини (мутахассислигини, машғулоти турини) ўзгариш зарур бўлса;

- ишсиз шахс касбга боғлиқ бўлган касаллиги туфайли, узоқ танаффустан кейин ишлаб чиқаришда янги технологиялар жорий қилиниши муносабати билан аввалги касби бўйича иш қобилиятини йўқотган бўлса.

Бу қоида, унинг туридан қатъий назар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган ва меҳнат органларида рўйхатдан ўтган шахсларга ҳам, башарти шундай зарурат бўлса, жорий қилинади. Меҳнат органларида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олиниш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

1.3 Ўрта – махсус касб - ҳунар таълимида “Меҳнат ҳуқуқи асослари” мавзусини ўқитишнинг назарий асослари

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши бугунги ёш авлодларимизнинг чинакам бахтидир. Республикамиз инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қурмоқда. Бундай давлатни барпо этиш эса жамиятдаги ривожланган ҳуқуқий тизимнинг, халқнинг, айниқса ёшларнинг юксак даражадаги ҳуқуқий билими, онги, маданиятини тақозо этади. «Энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур»¹⁹

Кейинги йилларда Республикамизда мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида жуда кўп ишлар олиб борилмоқда. Энг асосий ўрин илмга қаратилган. Бу эса янги-янги дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, кўргазмали қуроллар яратишни талаб этмоқда.

Бунга Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майда қабул қилган Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низоми, «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан

¹⁹ И.А. Каримов Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз Т 1999 йил .8 бет.

тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» ва бошқа бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар мисол бўла олади.

Мамлакатимизнинг ривожланиши, дунё миқёсида давлатлараро ҳурмат эътиборга сазовор бўлиши, келажак авлодни янада ўқимишли, ҳар томонлама билимдон қилиб тарбиялашни талаб қилади.

Юз бераётган ўзгаришлар ёшларнинг ҳуқуқий давлат тизими ва моҳиятини чуқурроқ англашини, қонун асосларини ўрганишини, қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишини, қонун талабларини сўзсиз бажаришини ҳамда ўз ҳуқуқ ва бурчларини билишларини талаб этади. “Биз жамиятни янгилаш ислохотларни изчил амалга ошириш бўйича аниқ равшан ва ҳар томонлама пухта ўйланган дастурга эгамиз”²⁰

Юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда Республикамиз мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртларида ўқитилаётган «Ҳуқуқшунослик» фанининг ўрни ва аҳамияти чексиздир.

2001 йилгача мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимининг барча турларида ҳуқуқ фани ўқитилмасди. 2001 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида” ги фармойиши асосида мамлакатимиз таълим тизимининг барча босқичларида “Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш” ўқув курси жорий қилинди.

Эндиликда мактабгача таълим муассасасидан тортиб олий таълимнинг юқори босқичида ҳам ҳуқуқий билимлар ўргатиш йўлга қўйилган. Мактабгача тарбия босқичида болаларга асосан асосий қомусимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш билан боғлиқ машғулотлар ташкил қилинади. Таълимнинг бошқа босқичларида эса ҳуқуқий таълим қуйидагича олиб борилади:

- 1 4 синфларда “Конституция алифбоси”

²⁰ И.А. Каримов Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Халқ сўзи 2001 йил 17 феврал

- 5 7 синфларда “Конституция оламига саёхат”
- 8 синфда “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари”
- 9 синфда “Конституциявий ҳуқуқ асослари”
- Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимида “Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш” ва “Ҳуқуқшунослик” фани
- Олий таълимнинг биринчи босқичида “Ҳуқуқшунослик. Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш ” фани
- Олий таълимнинг иккинчи босқичи магистрантларга “Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш” курси

Ўрта махсус касб ҳунар таълимида биринчи босқич биринчи семестрида умумий 40 соатлик “Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш” фанидан алоҳида ўқув предмети сифатида 40 соатлик “Ҳуқуқшунослик” фани ҳам ўқитилади. Ҳозирги кунда мазкур ўқув предмети Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг 2010 йил 1 июндаги 6.1 ва 4.2 сонли қўшма хайъат мажлиси қарори билан тасдиқланган. Академик лицей ва касб ҳунар коллежлари учун мўлжалланган ўқув дастури асосида олиб борилади.

Мазкур ўқув дастурига мувофиқ меҳнат ҳуқуқига доир иккита ўқув машғулоти мавзуси режага киритилган.²¹

1. Меҳнат ҳуқуқи асослари (2 соат маъруза)
2. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар (2 соат маъруза)

Меҳнат ҳуқуқи асослари мавзуси ўқув материаллари қуйидаги масалаларни ўзида жамлаган:

1. Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси, манбалари, тизими
2. Меҳнат ҳуқуқи субъектлари.
3. Иш берувчи ва ходим тушунчаси.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг 2010 йил 1 июндаги 6.1 ва 4.2 сонли қўшма хайъат мажлиси қарори билан тасдиқланган. Академик лицей ва касб ҳунар коллежлари учун мўлжалланган ўқув дастури. Илова -1

4. Меҳнат жамоаси. Иш берувчи ва ходимнинг асосий ҳуқуқлари.
5. Меҳнат шартномаси тушунчаси. Ишга қабул қилиш тартиби.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар мавзуси қуйидаги масалаларни қамраб олади:

1. Меҳнат муносабатлари тушунчаси
2. Иш вақти. Дам олиш вақти.
3. Меҳнатга ҳақ тўлаш. Меҳнат интизоми.
4. Меҳнатни муҳофаза қилиш.
5. Аёлларга ва ёшларга бериладиган қўшимча кафолатлар.
6. Меҳнат низолари. Давлат ижтимоий суғуртаси.²²

Мазкур мавзулар дарс турлари бўйича тақсимотга назар соладиган бўлсак назарий яъни маъруза машғулоти шаклида олиб боришга мўлжалланган. Шунга мувофиқ таълим тизимида ўқувчилар меҳнат ҳуқуқи асослари мавзуси бўйича меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни асосий тушунчалари билан танишсалар, иккинчи меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар мавзусида эса ўқувчиларга бевосита меҳнат жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий жараёнлар тушунтирилади.

²² Ҳуқуқшунослик ўқув дастури 2010 йил 4 бет.

II – БОБ КАСБ ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МЕХНАТ ҲУҚУҚИ МАВЗУЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

2.1 Мехнат ҳуқуқи мавзуларини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврдан бошлаб мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари қаторида таълим тизими, уни таркибий қисми бўлган Олий ва ўрта махсус таълими ҳам туб ислохотларни бошдан кечириб, такомиллашиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида» ги қонуннинг қабул қилиниши (1997 йил, 29 август) ва уларда мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асослари, тамойиллари ва босқичларини белгилаб берганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Миллий мустақиллик ғоялари сингдирилган бу тарихий ҳужжатлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ривожланган мамлакатлар таълим тизимини ўрганишга ҳам кенг йўл очилди, иқтидорли ёш олимларимиз ва талабалар турли жамғармалари орқали ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олишдек бахтга муяссар бўлмоқдалар. Ўз навбатида хорижий мутахассислар ҳам мамлакатимиз таълим тизимида рўй бераётган ислохотларни ўрганиб, уларга ижобий баҳо бермоқдалар. Бу каби ўзаро алоқалар ўз навбатида мамлакатимиз таълим тизимида ривожланган мамлакатлардаги илғор педагогик технологияларни ўз миллий қадриятларимиз нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, ўқув жараёнига жорий этишни ҳам тақозо қилмоқда. Зеро, бу каби амалий ишлар мамлакатимиз таълим тизимини жаҳон таълим стандартлари билан интеграциялашувининг асосий белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида «ўқув - тарбиявий

жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш»²³ алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Барча фанлар қатори ҳуқуқшунослик дарсларини ҳам янги педагогик технологиялар асосида йўлга қўйиш ўқувчиларни ҳуқуқий онгини юксалишида ва дарс самарадорлигини ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда педагогик адабиёт, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий ҳужжатларда "янги педагогик технология", "илғор педагогик технология", "замонавий педагогик технология" иборалари кенг қўлланилмоқда. Айнан тизимли ёндашув педагогик технология асосида ўқитишни бошқа ёндашувлардан фарқловчи асосий белги ҳисобланади. Таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш методлари, назорат ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқада ва бир-бири билан боғлиқликда лойиҳалаш – кўпинча анъанавий ўқув жараёнида етишмайдиган нарсалардир. Масалан, кўп ҳолларда таълим, асосан, ахборотни эслаб қолишга йўналтирилган, таълим олувчининг бўлажак фаолияти эса муайян ишларни бажариш ёки ташкилий, бошқарув ва касбий қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлади. Бошқа мисол: ўқув юртларининг баъзиларида таълим олувчилар билимларини назорат қилиш методини маъмурият барча фанлар учун бир хилда, уларни ҳар бирининг хусусиятларини ҳисобга олмай асоссиз белгиланган²⁴. Афсуски, ҳозирги кунда бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин

Педагогик адабиётда педагогик технологияга берилган бошқа таърифлар (В.Беспалько, В.Гузеев, В.Сластенин, Б.Лихачев, И.Волков, М.Чошанов, М.Кларин, И.Лернер, Ч.Юдин ва бошқалар) ҳам келтирилади, аммо уларнинг бирортаси ЮНЕСКО таърифи даражасига кўтарила олмаганлар. Айтиб ўтилган олимлар орасида педагогик технология тўғрисидаги ахборотни МДХ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда

²³Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 1997 йил

²⁴ О.Сувонов, С.Астанова, Г.Қурбонова «Янги педагогик технологиялар» фанидан замонавий педагогик технологиялар асосида тайёрланган муаммоли маърузалар тўплами. Гулистон 2009 йил 34 бет.

тарқалишида В.П.Беспалько ва М.В.Кларинларнинг таъсири кучлироқ. М.В.Кларин педагогикадаги технологик ёндашувнинг таркибий тузилиши ва мазмуни тўғрисида бирмунча тўлароқ маълумотларни эълон қилган.

Педагогларнинг иш амалиётида баъзида технологик қурилган ўқитиш методлари эмас, балки фойдали бўлсада аллақачон ўзлаштирилганлар "педагогик технология" тушунчаси билан белгиланади. Аслини олганда, педагогик технология - бу ўқитишга ўзига хос бўлган янгича (инновасия) ёндашувидир. У педагогикадаги ижтимоий-муҳандислик тафаккурининг ифодаланиши, технократик илмий онгнинг педагогика соҳасига кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартлашуви ҳисобланади.

Янги педагогик технологияни компьютер техникасисиз тасаввур қилиб бўлмайди албатта. Ҳуқуқни ўқитиш методикасида ҳуқуқий таълимда компьютер техникасидан қандай фойдаланиш мумкин деган саволга назар соламиз.²⁵

1. Таълим муассасаси замон талабидаги компьютер синфи билан жиҳозланган бўлиши
2. Компютер техникасини бошқара оладиган ҳамда ҳуқуқий таълим бўйича дастурлар туза оладиган мутахассис кадрларнинг мавжудлиги
3. Ҳуқуқ фани ўқитувчиси ҳамда ўқувчиларнинг компьютер техникаси билимларини эгаллаганликлари
4. Ҳуқуқшунослик фани бўйича дастурлар, тест диск блокларини библиографиясини тузиш
5. ҳуқуқий таълимда интернет тармоғи материалларидан кенг фойдалана олиш
6. таълим олувчиларни қизиқишлари асосида электрон манбаларни кўпайтириш

²⁵ О.Каримова, Х.Сайдивалиева, Н. Акаева Ҳуқуқни ўқитиш методикаси Т 2010 йил 17 бет.

Педагогик технология кўп жиҳатдан ўтмиш машҳур педагогларининг орзуларига мос келади. Дидактиканинг асосчиси Ян Амос Коменский ўн еттинчи асрдаёқ таълимнинг "вақт, фанлар ва методларни моҳирона тақсимлашдан" бошқа нарсани талаб қилмайдиган умумий тартибини топишга ҳаракат қилганди.

Коменский фикрича, идеалда ўқитишнинг ягона мукаммал методи топилса, "ҳамма нарса оғирликлари тўғри мувозанатланган соатга нисбатан аниқроқ, фақат ана шундай маҳорат билан яратилган асбобда эришиш мумкин бўлган беҳатолик билан илгарилайди".

Жаҳон педагогика фани илмий-техника тараққиёти таъсирини бошидан кечириб, психология, кибернетика, тизимлар (система) назарияси, бошқарув назарияси, бошқа фанлар муваффақиятларини бирлаштириб, ҳозирда фаол янгилашиш (инновация) жараёнлари босқичида турар экан, инсон имкониятларини самарали ривожлантириш амалиётига бой маҳсул бермокда.

Айтиб ўтамиз, педагогик технология методлари (ўзининг бошланғич маъносида) дастлаб ўқитишнинг ҳаракатни типик вазиятдаги намуна (белгиланган қоида) бўйича ўзлаштириш талаб этиладиган репродуктив даражаси учун ишлаб чиқилганди. Репродуктив таълим ҳар қандай таълимнинг зарур таркибий қисми ҳисобланади, у инсоният жамғарган тажрибани аниқ ўқув фани доирасида ўзлаштириш билан боғлиқ. Таълим учун худди ўзлари сингари машғулоти юқори даражада ўтказишларига имкон берадиган педагогик йўналишни (сиклни) ишлаб чиқмаган. Сабаби, балким, ўтмишдаги машҳур педагогларнинг методлари педагог шахсини кўпроқ ўз ичига олган бўлса керак. Издошларда нимадир яхшироқ чиққан, аммо умуман олганда, асосчиларникидек бўлмаган.

Саноатда ижрочилар, агар улар техник ҳужжатлар талабларига аниқ риоя қилишса, шаклига боғлиқ бўлмаган, натижаси кафолатли минглаб технологик жараёнлар ишлаб чиқилган. Саноат технологик жараёнининг асосини деталнинг ишчи чизмаси ва йиғув бирликлари чизмаси ташкил

қилади. Улар талабларига аниқ риоя қилиш деталларнинг ўзаро алмашинувчанлигини таъминлайди, технологик жараённинг такрорланадиган операциялари эса қайта тикланадиган технологик тузилмани ташкил қилади. Мана шунинг учун ҳам Ўзбекистонда чет эл технологияси асосида ишлаб чиқариладиган автомобилнинг сифати Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган автомобил сифатидан фарқ қилмайди.

Технология - тушунчаси юнонча «махорат», «санъат», «тушунча», «ўрганиш» демакдир. Технология тушунчаси ишлаб чиқариш жараёнидаги технология операциялар ва маҳсулотни тайёрлаш мазмуни (сирлари) билан боғланган. Технология сўзи замирида жараёнларни амалга ошириш усуллари ва воситалар ҳақида билимлар йиғиндиси, шунингдек объектда содир бўладиган сифат ўзгаришлари тушунилади.

Таълим технологияси таълим методикаси тушунчасига қараганда кенгрокдир.

Ўқитувчилар, талаба ва ўқувчилар жамоасида ўзаро ёрдам, ҳамкорлик ва ижодий муҳитни яратишда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни беқиёс ҳисобланади. Замонавий педагогик технологиялар таълим жараёнини ҳар томонлама мукамал лойиҳалаштириш, аниқ мақсадлар қўйиш ва уларга қафолатланган ҳолда эришиш, режалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи узвий боғланган компонентлар йиғиндиси деб ҳисобланди. Ушбу қоидадан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ўқитиладиган мавзуга кенг қамровли лойиҳа ишлаб чиқиш билан бир қаторда, ўқув-методик мажмуа тайёрлаш йўлга қўйилди. Мажмуанинг таркибига лойиҳага қўшимча мавзуга дахлдор бўлган барча ахборотлар, тарқатма материаллар, маълумотномалар, манбалар, улардан фойдаланиш методикаси киритилди.

Педагогик технология деганда, технологик (ишлаб чиқаришдаги) ёндашувларга айнан ўхшаш бўлган таълимда қўйилган мақсадларга эришиш қафолатланган (якуний натижани олиш) таълим жараёни тушунилади. Бундай таълим жараёни технологиялаштирилган дейилади.

Технологиялаштирилган таълим жараёнида ўқитувчи шахсига боғлиқ бўлмаган фақат ўқувчи (талаба) нинг шахси эҳтёжлари, талаблари ва хислатларига асосланган таълим жараёнидир. Ўқувчи (талаба) таълим жараёни марказида туради. Бунда дарсни ким олиб бораяпти (тажрибали ўқитувчими ёки ёш ўқитувчими) қатъий назар кўзланган якуний натижа (мақсадга кўра) га эришиш кафолатланиши лозим. Таълимда ўқитувчи фақат ижрочи вазифасини бажаради.

Педагогик технология педагогик (ижтимоий) ва технологик (ишлаб чиқаришдаги, муҳандислик) ёндашувлар интеграциясидир.

Педагогик технологияга турли таърифлар мавжуд.

ЮНЕСКО таърифи: Педагогик технология — таълим бериш ва ўзлаштириш усуллари яратиш, қўллаш уларни ягона тизимга келтириш, йўли билан инсон салоҳияти ва техник воситаларининг барча имкониятларидан мувофиқ фойдаланиб, билимлар ўзлаштирилишининг энг мақбул жараёнидир.

Педагогик технологиялардаги ҳақ мактаб фаолияти ёки ҳар қандай таълим муассаси ва таълимнинг асосий звеноси бўлган таълим жараёнини бошқаришчанлигидир.

Баъзида педагогик иш тажрибасида (аввалги мавзуларда келтирилган) педагогик технологияларни аллақачон ўзлаштирилган (маълум бўлган) ҳатто фойдали бўлган аммо таълим методикаси технологик яратилмаган (тузилмаган) деб тушунилади. Лекин педагогик технология ўзига хос инновацион ёндашувдир.

Педагогик технология таърифларида асосий тушунчалар, «tizimli метод» эканлиги қолган барча сўзлар педагогик технологиянинг тизим сифатидаги таркибий қисмларини ифодалайди. Айнан тизimli ёндашув педагогик технологияни ўқитишдаги бошқа ёндашувлардан фарқловчи бош белги ҳисобланади. Анъанавий ўқитиш методикасида бундай тизimli (системали) ёндашувга ҳар доим ҳам риоя қилинавермайди. Таълим

мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш методлари назорат ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқада ва бир – бири билан алоқада лойиҳалаш кўпинча анъанавий (традицион) ўқув жараёнидаги етишмайдиган ҳолдир. Масалан, кўп ҳолларда таълим асосан, ахборотни эслаб қолишга йўналтирилган, таълим олувчининг бўлажак фаолияти эса муайян ишларни бажариш ёки ташкилий, бошқарув ва касбий қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлади (олдинги мавзуларимиздаги билиш фаолияти ва билиш фаолиятини фаоллаштириш моделига қаранг). Ёки олий ўқув юртларида баъзан маъмурият томонидан талабалар билим олиши сифатини назорат қилиш методини барча фанлар учун бир хил яъни ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмасдан асоссиз белгилашади. Демак, таълим ўқув жараёнида белгиланган мақсадлар, мазмун, методлар, воситалар ва шакл каби методик тизим элементлари орасида узвийликка риоя қилинмайди. Натижа таълимда узлуксизлик таъминланмаслигига олиб келади (таълим узлуксизлиги ҳақидаги аввалги мавзуларимиздаги моделга қаранг). Педагогик технологияларда буларга албатта риоя қилиниши назарда тутилади. Педагогик технология ўз моҳиятига кўра ЮНЕСКОнинг таърифи кўпроқ мос келади.

«Янги педагогик технологиялар» - психологик ва педагогик билимлар тармоғида мустақил фан сифатида шаклланиши ва бу фаннинг ўрни, моҳияти, фаннинг таркиби, мақсади ҳамда вазифалари республикаимиздаги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонуни асосида юқори малакали олий маълумотли кадрларни тайёрлашга мувофиқ белгиланган.

Бу Ю.К.Бабанскийнинг 1990 йилларгача мавжуд ўқув жараёнларини экстенсив (содаллаштириш) йўналишда ўқув мазмунини майдалаштириш, фанлар сонини кўпайтириш каби ёндашувларнинг самарасизлигини таъкидлаб, ўзининг ўқув жараёнини жадаллаштириш (интенсивлаш) самарали натижага (ўқув суратини ошириш) яъни таълимдаги мақсадларни кучайишига ўқувчиларнинг таълимдаги фаоллигига, таълим мақсадларини

амалга ошируви ўқитувчининг қўйган мақсадлар комплекси орқали олиб келишини асослайди. Таълим жараёнини жадаллаштиришнинг асосий омиллари: таълим мақсадларини кучайтириш, ўқув мотивасия (қизиқтириш)ни кучайтириш, таълим мазмунидаги ахборот сиғимини кенгайтириш, таълимда фаол метод ва шаклларни қўллаш, ўқув амалларини бажариш суратини ошириш, ўқув маҳоратини ривожлантириш, таълимда компьютер ва бошқа техника воситаларини қўллаш.

Лекин бу анъанавий таълимдаги ишлар манзилга узоқ ва нотекис йўл билан гоҳида адашиб кетаётган йўловчининг ҳаракатига ўхшайди. Илғор давлатлардаги педагогик технология эса бу кўзланган манзилга тезроқ бораётган ва қисқа йўл танланган ҳаракатга ўхшайди.

2.2 “Меҳнат ҳуқуқи асослари” мавзусини ўқитишда инновацион технология методлари

Маълумки, педагогикада талабаларнинг таълим жараёнидаги фаоллигини оширишга қаратилган бир неча ўқитиш методлари ишлаб чиқилган: муаммоли ўқитиш, иш фаолиятини ифодаловчи уйинлар, роллар бажариш, контекст ўқитиш ва хоказо. Буларни кўпчилигини ҳуқуқшунослик фанлари негизида ўрта махсус касб хунари таълимида айнан меҳнат ҳуқуқи мавзуси бўйича ҳам қўлласа бўлади.

Аммо улар олий таълим тизимида кенг қўлланилади, деб бўлмайди. Бунинг сабаби шунда бўлса керакки, бундай ҳар бир машғулотга тайёргарлик педагогик изланишни кўзда тутди, юксак касбий маҳоратни, ижодий ёндашув ва кўп вақтни сарфлашни талаб этади. Қоидага кўра, ҳар бир бундай машғулоти сценарийси ўзига хос хусусиятга эга ва қайтарилмасдир.

Тубдан фарқ қилувчи таълим турларини кўриб чиқамиз: огзак-иллюстратив, технологик ва изланувчан-ижодий. Аввало уларнинг умумий

жиҳатларини таққослаймиз, кейинчалик педагогик технология элементлари билан чуқурроқ танишамиз.

Ҳар қандай жараён - ҳаракатдир, ҳаракат эса Меҳнат демакдир. Моддий дунёдаги нарсалар ёки ҳодисаларнинг аста-сёкин ўзгаришидир. Ўқитиш жараёни ҳам ёш авлодда ақлий кучларни ривожлантиришга ва ахлоқий сифатларни шакллантиришга қаратилган ҳаракатдир.

Ўқитиш жараёни ўқитувчининг ва у раҳбарлик қиладиган ўқувчиларнинг - уларда ақлий қобилиятларни ўстириш, ҳуқуқий дунёқараш асосларини таркиб топтириш ва ҳаётга тайёгарликни амалга ошириш мақсадида - билим, кўникма, малакалар тизимини онгли ҳамда пухта ўзлаштиришга қаратилган илмий асосдаги ишларнинг мажмуасидир.

Ўқитиш жараёни билиш назарияси асосида таркиб топади. Ҳозирги илғор педагогика инсон шахсини мақсадга мувофиқ шакллантиришга тарбия, ўз-ўзини тарбиялаш ва ижтимоий тажрибадан иборат тизим сифатида қарайди.

Ўқув жараёнининг моҳияти ўқувчи билиш фаолиятининг мантиқи бўлиб, у биринчидан, билиш биздаги билимларнинг ягона манбаи бўлиб амалиётни ўрганишдан бошланиши, мавҳум фикрлаш асосида назарияни умумлаштириш кераклигидан: иккинчидан билиш олинган билимларни, назарий умумлаштиришларни инсондаги билимлар ҳақиқийлигининг ягона объектив мезонлари сифатида ҳам хизмат қиладиган амалиётга таққослаш зарурлигидан келиб чиқади. Ўқув жараёнини билиш жараёнини инсон фаолияти сифатида психологик-педагогик жиҳатдан лойиҳалашга асосланишини ва олинган билимларни амалиётда қўллашни ҳам ўз ичига олади.

Ҳозирги дастурлар маълумотнинг назарий савиясига талабларни оширишга, мактабда ўқишнинг дастлабки кунларидан бошлаб, болаларда ижодий фикрлашни ривожлантиришга, уларда фанларнинг назарий

тушунчаларини ҳосил қилишга, умумлаштириш ва мантиқий мулоҳаза юритиш малакаларини шакллантиришга қаратилган.

Билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларнинг ақлий камол топиши ва тўғри тарбияланиши ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун педагогларнинг маълум даражада таъсир кўрсатиши ҳам ниҳоятда зарур.

Ҳозирги куннинг талаби- ўқув жараёнини ўқувчиларда фақат такрорлашга доир фикрлашни эмас, ижодий тафаккурни ҳам шакллантиришдан иборат.

Ўқитишнинг бошланғич даврида таълим мазмуни ўқувчилар томонидан умумий қонуниятларга биноан ўзлаштирилади:

Масалан Меҳнат ҳуқуқи дейилганда у аввало Меҳнат нима, унинг қандай турлари бор, ҳуқуқ нима уни онгида ажратиб олади.

Идрок- тушуниш (англаш)-қабул қилиш (репродуктив фаолиятда-ёдда тутиш)- янги шароитларда фойдаланиш.

Ривожлантирувчи таълим шароитида идрок этишнинг ўзига хос томони ўқувчининг ўзлаштирилмаган соҳани- тенглаштириш, таққослаш, қонуниятларни аниқлаш, қўйилган муаммони ҳал этишнинг турли йўллари излаб топиш, ўқувчи учун оптимал бўлган усулни амалий тарзда ўзлаштиришдаги актив фаолият пайтидаги ўқувчининг субъектив ҳолати ҳисобланади, фаолият натижаси сифатида ўқувчи ахборотни ўзлаштирибгина қолмай, жамоа изланишга ва натижалардан қониқишга алоқадорлик ҳиссини сезади, англайди.

Маълум, ўқитиш билимларни ўзлаштириш ва билиш йўллари тушунишни ўз ичига олади. Таълим - ўқишга раҳбарлик қилиш, ўқувчиларнинг билиш ишларини бошқаришдир.

1. Ҳуқуқий таълим жараёнида бир қанча методлар мавжуд бўлиб, бу методлар ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўқув материални ўзлаштиришнинг бир неча даражалари мавжуд.

Ўқув материални ўзлаштириш даражаларини келтирамиз:

1. Эсга олиш, хотирада тиклаш – ўзлаштириш даражаси
2. Репродуктив – ўзлаштириш даражаси.
3. Продуктив (унумли) – ўзлаштириш даражаси.
4. Ижодий – ўзлаштириш даражаси

Эсга олиш, хотирага тиклаш - ўзлаштириш даражасида ҳар қандай ўрганилаётган материални изоҳлаш ёки асослаш учун зарур бўлган ўқув материални (мазмунни) ни ўзлаштирилишидир. Бунда ўрта махсус касб хунари таълими ўқувчиси ўзига берилган саволга дастлаб мактабда ўрганган билимлари доирасида жавоб беради. Бу материалдаги ҳодисалар ёки воқеалар бир – бири билан боғланишда ва ривожланишда бўлиб, албатта аввалги ўрганилганларига асосланади, ҳамда уни такрорлаш ва эсга олиш ёки хотирага тиклаш лозим бўлади. Бунинг учун материални баён қилишда кўргазмалиликдан фойдаланилади.

Репродуктив – ўзлаштириш даражасида бир турдаги масала ёки машқлар (саволлар) ни намунага (тайёр ечиб кўрсатилган) қараб еча олишга мўлжалланган ўқув материалга айтилади. Репродуктив метод ҳам бор. Бу метод намунага қараб ўқув материални ўзлаштириш методидир. Ҳар қандай материални баён қилишда ёки бу материални тезроқ тушуниш учун (дарсликларда берилади) тайёр ечиб кўрсатилган методик нуқтаи назардан қулай машқлар берилиши ҳозир одатга айланган. Бундай машқлар ўрганилгандан сўнг бошқа намунага ўхшамаган лекин намунага қараб ечилиши мумкин бўлган машқлар тушунилади. Масалан Меҳнат ҳкқуқи манбаларини схематик тарзда ифодалаш. Машқлар (саволлар) намунадаги яъни репродуктив усулдаги ўзлаштиришга мўлжалланган ўқув материални бўлса, буларни намуна билан бир хил турдаги ўқув материални дейилади. Бу метод билан ҳар қандай материални ўрганиш қулай ва материални ўзлаштиришдаги дастлабки қадамлар бўлади. Лекин бу усулда олинган билим ўқувчининг эсида турмайди, яъни олинган билим мустаҳкам

бўлмайди. Бу билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш ва уни амалиёт билан боғлаш учун эса бошқа метод яъни продуктив методдан фойдаланилади. Репродуктив методда билимларни ўзлаштириш даражалари бир хил бўлади.

Продуктив (унумли) ўзлаштириш даражаси деганда ностандарт (стандарт бўлмаган, намунаси бўлмаган ёки намунага ўхшаш бўлмаган) яъни берилган турдаги машқ билан бир хил турда бўлмаган вазифаларни ўзлаштиришга айтилади. Бундай материални ўзлаштириш учун ўқувчиларнинг маълум даражада ўйлашлари ва фикрлашлари талаб қилинади. Лекин бу материал маълум алмаштиришлардан ёки операциялардан сўнг фикрлаш ёрдамида яна намунадаги (вазифага, стандартга, репродуктив даражадаги материалга) келиш мумкин. Бунинг учун ўқувчилар топшириқ устида маълум даражада мустақил ишлашларига тўғри келади. Ўқитувчи эса ўқувчига фурсат беради ва керак бўлганда ёрдам беради. Репродуктив ўзлаштириш даражасидаги ҳолга қайтиш унча мураккаб бўлмаслиги керак. Материални ўрганишда продуктив методдан репродуктив методга қайтилаганда ўқувчи мустақил фаолият кўрсатади, аммо бунда тўла маънодаги ижодий фаолият кўрсатмайди.

Ижодий ўзлаштириш даражаси (ёки қисман ижодий) ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини турли ҳолатларда тадбиқ эта олиш, масала ечишнинг турли йўллари излаш (ўқитувчи кўрсатмаган, айтмаган методлар)ни қўллашга асосланган ўқув материалига айтилади. Бунда ижодий метод қўлланилади. Ижодий метод, муаммоли методлар синфига киради. Мисол учун маъруза билан чиқиш, мунозара қилиш, мустақил ишлар тайёрлашда ижодий метод қўлланилади, шу билан бирга юқорида келтирилган эсга олиш ва хотирада тиклаш, репродуктив, продуктив ва ижодий ўзлаштириш ҳам биз юқорида келтирилган таълим мақсадлари (таълимнинг умумийлиги, тарбиявийлиги ва ривожлантиришлиги) бирлашиб комплекс ҳолда келади.

Ўқув материални ўзлаштириш даражаларига эришиш учун таълим жараёнида бир қанча методлардан фойдаланилади.

Муаммоли таълим методлари

Ўқувчилар фаннинг турли соҳаларидан кенгроқ маълумот ўрганиши, ўзлаштириши билан бирга ҳаётга ижодий муносабат малакаларини таркиб топтириш керак. Ана шу мақсадда ўқитишни ўқувчиларнинг у ёки бу шаклдаги таълимий фаолияти тадқиқодни эслатадиган, ўқувчилар учун "кашфиётлар " билан тугайдиган, яъни мустақил ҳолда хулоса чиқарадиган ва қандайдир амалий вазифани ҳал қиладиган методларга асосланиш зарур. Муаммоли таълим масалалари бўйича жуда кўп педагоглар, дидактлар, олимлар тадқиқод ишларини олиб боришган. Масалан, Бабанский, Лернер, Матюшкин, Махмутов ва бошқа олимлар. Бунда ўқувчиларга қонун ҳам химоя қилади, ҳам чеклайди, суд ҳам химоялайди ҳам жазолайди каби саволлар тайёрланади.

Тадқиқод методи

Бу метод, биринчидан, билимларни ижодий қўлланишини таъминлашга, иккинчидан, илмий билиш методларини излаш жараёнида мазкур методларни ва уларнинг қўлланишини ўзлаштиришга қаратилади. Учинчидан, ижодкорлик фаолияти ҳислатларни шакллантиради, тўртинчидан, ана шундай фаолиятга қизиқиш ҳамда эҳтиёжни таркиб топтиришнинг шарти ҳисобланади. Бунда ўқувчи аввало Меҳнатга оид ҳуқуқий билимлар базасига эга бўлиши лозим бўлади.

Изланишли метод (эвристика)

Ўқувчиларни аста секин муаммоларни ҳал этишга яқинлаштириш учун аввало тадқиқоднинг айрим босқичларини бажаришга ўргатиш, уларда аста-секин кўникма қосил қилиш зарар. Ушбу методнинг муқим томони шуки, унда ўқитувчи муаммоли масалани кичик муаммоларга ажратади, ўқувчилар эса ана шу муаммони биргалашиб бажаради.

Тушунтириш, намойиш этиш методи.

Бу методнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг ахборотни ўзлаштиришини ташкил этишдир. Бу фаолият шундан иборатки, ўқитувчи тайёр ахборотни турли воситалар билан беради, ўқувчилар эса ана шу фаолиятни идрок этадилар ва эслаб қоладилар. Ўқитувчи ахборот беришни оғзаки, дарслик ва қўшимча қўлланмалардаги иборалар, кўрсатмали куроллар ва х.з. ёрдамида амалга оширади. Ўқувчилар берилган билимларни ўзлаштириш учун янги ахборотни тинглайдилар, кўрадилар, ўқийдилар, кузатадилар ва хотирада сақлайдилар.

Репродуктив метод

Ўқувчилар кўникма ва малакаларни эгаллаши, шу билан биргаликда билимларни ўзлаштирининг иккинчи даражасига эришиши учун ўқитувчи топириклар тизими орқали уларнинг ўзларига берилган билимларни бир неча марта эслатади. Ўқитувчи топшириклар беради, ўқувчилар эса топширикларни намуна асосида ечадилар.²⁶

Хукушунослик фани негизида Меҳнат ҳуқуқи мавзусига дарс ташкил этиш технологиясида дарс якунида камида 10 дақикани ўйинли технологияга ажратиш ва бу технологияни таянч иборалар кидириб топишга йўналтириш Меҳнатга оид ҳуқуқий терминларни эса қолишига ёрдам беради. (Чайнворд иловага қаранг)

Бунда стаж, Меҳнат шартномаси, ходим, ишчи, пенсия, Меҳнат кодекси, ижтимоий ҳимоя каби таянч сўзлардан ками 30 тагача яқин сздан иборат бошқотирма тўртта гуруҳга белгиланган вақтда йиғиб олиш шарти билан тарқатилади. Ўйинли технология шартлари қуйидагича белгиланади:

1. Бошқотирмада Меҳнат ҳуқуқига доир ҳуқуқий терминлар горизантал ҳамда вертикал тартибда жойлаштирилган.
2. Х йўқ, лабиринт бўлиши мумкин

²⁶ О.Сувонов, С.Астанова, Г.Қурбонова «Янги педагогик технологиялар» фанидан замонавий педагогик технологиялар асосида тайёрланган муаммоли маърузалар тўплами. Гулистон 2009 йил 67 бет.

3. Берилган вақт ичида масалан биринчи гуруҳ 15 та сўз топди, иккинчи гуруҳ 14 та сўз топди. Биринчи гуруҳ “5”, иккинчи гуруҳ “4” баҳо олади.
4. Берилган вақт давомида биринчи гуруҳ 15 та сўз топди, иккинчи гуруҳ 16 та сўз топди. Биринчи гуруҳ “4”, иккинчи гуруҳ “5” баҳо олади.
5. Тинчликни сақлаш мақсадида шовкин қилган жамоа 1 марта оғзаки огоҳлантирилади, иккинчи марта битта тўғри жавоби ўчирилади.
6. Хар бир калитда мавжуд бўлмаган сўз учун ҳам биттадан тўғри сўз ўчирилади.

Бу каби ўйинли технологиялар ўрта махсус касб - ҳунар таълимида ўқувчиларни ҳуқуқшунослик фанларига қизиқишини ортиришда, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда самарали методлардан ҳисобланади.

III - БОБ КАСБ – ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА «МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ» МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА КЕЙС ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

3.1 “Меҳнат ҳуқуқи асослари” мавзусини ўқитишда кейс технологиясидан фойдаланиш

Ҳозирги кунда педагогика соҳасидаги энг долзарб вазифалардан бири ҳар томонлама кучли, билимли, мустақил фикрлайдиган шахсни тарбиялашдир. Бунда дарсада ва амалий машғулотларда мустақил ишларнинг ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Ахборот оқими ва билимлар доираси тез суръатлар билан кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда барча маълумотларни фақат дарс машғулотларида ўқувчиларга етказиш қийин, албатта. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар ўқувчиларнинг мустақил ишларини тўғри ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратиши лозим.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, касб-ҳунар коллежи ўқувчилари томонидан мустақил ишларни инновацион педагогик технологиялар асосида ташкил этиш бўйича тажрибалар ҳали етарли эмас. Касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари мустақил ишларга етарли даражада эътибор бермасдан анъанавий усуллар (реферат ёзиш, мисол ечиш ва ҳ.к.) билан чекланадилар, холос. Бу турдаги усуллар эса ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатмайди, касбий кўникмасини ривожлантирмайди, машғулотга бўлган қизиқишини оширмайди.

Ҳақиқий инновацион педагогик технологияларда ўқув мақсадлари бўлажак касбий фаолиятга қаратилган бўлади. Бундай технологиялардан бири "кейс-стади"дир. Мазкур педагогик технология айнан ўқувчилани мустақил фикрлай олиш қобилиятини юксалтиришга қаратилган.

Кейс-стади илк марта Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (HBS) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиш тажрибасига таяниб, иқтисодий

амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиш услуби кенг татбиқ этила бошлади.



Мазкур технологиянинг мазмун-моҳияти шундаки, унинг асосини аниқ вазият ёки ҳодиса ташкил этади («case» — ҳодиса). Шунинг учун, *биринчидан*, таҳлил этилаётган ҳодисада реал ҳаётий вазият акс этиши керак, *иккинчидан*, бу вазиятда ҳали охиригача ҳал қилинмаган, яширин муаммо ёки бир нечта муаммолар бўлиши зарур.

Кейс технологияси Ўзбекистон таълим тизими учун янги технология. бироқ фанни, таълимни ривожлантиришга хизмат қилувчи хорижий давлатларнинг мазкур таълим технологияси ютуғи бугунги кунда миллий таълим тизимида дарсларни интерфаол усулларда ташкил қилишда бизга катта ёрдам беради.

Кейснинг тузилиши, турлари , обекти ва бериладиган вазиятдади маълумотларни тақдим қилиш усуллариға мувофиқ уни типологиясини қуйидаги жадвалдан билиб олиш мумкин бўлади:

Кейслар типологияси

Типологик белгилари	Кейс тури
Асосий манбалари	1. Даладаги 2. Кабинетдаги 3. Илмий-тадқиқотчилик
Сюжет мавжудлиги	1. Сюжетли 2. Сюжетсиз
Вазият баёнининг вақтдаги изчиллиги	1. Ўтмишдан ҳозирга келиш режимидаги кейс 2. Вақт орқага қайтариладиган кейс-хотира 3. Прогностик кейс
Кейс объекти	1. Шахсий 2. Ташкилий-институционал 3. Кўп субъектли
Материални тақдим этиш усули	1. Ҳикоя 2. Эссе 3. Таҳлилий ёзишма 4. Журналист тергови 5. Ҳисобот 6. Очерк 7. Фактлар мажмуи 8. Статистик материаллар мажмуи 9. Хужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмуи


Кейс билан ишлаш жараёнида дарсда берилган маълумотлардан ташқари қўшимча ахборотлар ҳам талаб этилади. Бу ахборотлар билан ишлаш жараёнида ўқувчилар мустақил равишда хулоса чиқаради, муаммоли вазиятни ҳал этиш бўйича ўз таклифларини беради.

Кейс технологияси интерфаол технологиялар сирасига киради. Чунки у ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги "субъект — субъект" муносабатлари орқали амалга оширилади. Яъни ўқувчи таълим олишнинг фаол субъектига айланади, унда жамоа билан ҳамкорликда ишлаш, ўз фикрини билдириш ва ҳимоя қилиш кўникмалари шаклланади.

Энг муҳими, кейс технологияси ўқув фазосидан ташқарига қаратилган бўлиб, ўқувчиларни ўзлари эгаллаётган касб билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга йўналтиради, касбий мотивасияни шакллантиради.

Ўқитувчи учун кейс технологиясини қўллаш бир қанча қийинчиликларни туғдириши мумкин. Энг аввало, бу технология ўқитувчидан танқидий тафаккур ва ижодий фаолиятни, қолаверса, кейсларни ишлаб чиқиш кўникмасини ривожлантириш учун ўз устида доимий ишлаш,

фан бўйича янги ахборотларни тўплаш, чет эл тажрибаларини ўрганишни талаб этади. Кейсни ишлаб чиқиш модели қуйидагича:



Касб-хунар коллежлари ва академик лисейларда муаммоли кейслардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда очик мулоқот усули самаралироқ.

Очик мулоқотда асосий омиллар ўқувчиларнинг кўникма ва малакалари, ўқитувчининг мулоқотни ташкил эта олиш қобилияти саналади. Саволларни бериш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини кейс матнидаги аниқ ахборотга қаратади, тўғри жавоб беришга ундайди. Кейс матндаги муаммони ажратиб олиш, вазиятни баҳолаш, ҳодиса ва жараённи таҳлил қилиш ўқувчиларнинг коммуникацион кўникмаларини ҳам ривожлантиради.

«Кейс-стади» технологиясидан таълим натижаларини назорат қилиш ва текширишда ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳар бир ўқувчига имтиҳондан олдин индивидуал кейс берилади. Ўқувчилар кейсдаги топшириқларни бажариб, ҳисобот шаклида ўқитувчига топширадилар.

Дарсга тайёрланиш жараёнида ўқитувчи ўқув мақсадларини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил турдаги кейсларни ишлаб чиқиши лозим.

Кейс асосидаги ўқув машғулотида ўқувчилар фаолиятини турли шакллarda ташкил қилиш имконияти мавжуд. Масалан, таклиф этилаётган вазият сахналаштирилиши ҳамда "Ақлий ҳужум", баҳс-мунозара, илмий баҳслашув методлари орқали муҳокама қилиниши мумкин.



Кейсларнинг бир нечта тури мавжуд.

1. Амалий кейслар. Бунда вазият ёки ҳодиса реал акс этади. Унинг асосини тарихий манба, реал ҳужжат, статистик маълумотлар ташкил қилади. Бу турдаги кейсларнинг мақсади тарихдаги реал ҳодисани, экологик ёки технологик муаммони ҳал этиш йўллари моделилаштириш, олинган билимдан ҳаётда фойдаланиш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

2. Таълимий кейсларнинг вазифаси таълим бериш бўлиб, асосини ўқув вазиятлар ташкил этади. Бу кейсларни бажариш жараёнида шаклланган кўникмалар малакага айланади.

3. Илмий кейслар ўқувчини тадқиқотга йўналтириш мақсадида ишлаб чиқилади.

Масалан, локал, регионал типдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш. Уларнинг мавзулари ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, "XX аср тарихи

материалларида инсоний қадриятлар", "Худуддаги экологик вазият" ва ҳоказо. Бу турдаги кейс материалларига мавзуга оид илмий изланиш олиб борган олимларнинг ишларини киритиш мумкин. Бундан ташқари, адабиёт манбаларидан, биографик материаллардан ҳам фойдаланса бўлади.

«Кейс-стади» технологиясига қўйиладиган талаблар:

- мавзу долзарб ва бир нечта ечимларга эга бўлиши;
- танланган матн ўқув машғулотининг мақсадига мос келиши;
- тадқиқ қилинаётган муаммони ҳал этиш учун ахборотнинг етарли бўлиши.

«Кейс-стади» бошқа технологиялардан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

1. Топиш ва ҳал қилиш зарур бўлган муаммоли вазиятнинг мавжудлиги.
2. Муаммони жамоада муҳокама қилиш.
3. Муаммонинг бир нечта ечимлари мавжудлиги.
4. Таълим олувчиларнинг эмосионал ҳолатларини бошқариш мумкинлиги.
5. Фаолиятни баҳолаш имконияти.

Кейс технологиясини ташкил этишда ўқитувчининг фаолияти икки босқичдан иборат бўлади:

Биринчи босқич — кейсни ва унинг таҳлили учун саволларни ишлаб чиқиш учун ўқитувчининг ижодий иши. Бу босқич ўқув машғулотида олдин амалга оширилади ва педагогнинг илмий-тадқиқот, методик ва конструктив фаолиятини қамраб олади.

Иккинчи босқич — ўқитувчининг аудиториядаги фаолияти. Бунга ўқитувчининг кириш сўзи, хулосаси, кичик гуруҳларда ишни ташкил этиши, баҳс-мунозарани бошқариши, вазият таҳлили бўйича ўқувчилар фаолиятини баҳолаши киради.

Кейс билан ишлаш қуйидагилардан иборат:

Ҳамкорликдаги фаолиятга киришиш. Бу босқичнинг асосий вазифаси ҳамкорликдаги фаолиятга бўлган мотивасияни шакллантириш.

Ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш. Бу босқичнинг асосий вазифаси кичик гуруҳларда ёки индивидуал тарзда муаммони ҳал этиш бўйича фаолиятни ташкил этиш. Ҳар бир гуруҳда спикер (муаммо ечимини тақдим этадиган), котиб (муҳокаманинг боришини ёзиб борадиган), вақт назоратчиси (вақт ўтишини назорат қиладиган) танланади. Агар кейс тўғри тузилган бўлса бир гуруҳнинг ечими бошқа гуруҳнинг жавобига ўхшамайди. Ўқитувчи баҳсни ташкил этади ва уни бошқаради.

Ҳамкорликдаги фаолиятни таҳлил қилиш ва рефлексия. Бу босқичнинг асосий вазифаси кейс билан ишлаш натижаларини ажратиб кўрсатиш. Ўқитувчи баҳс-мунозарага якун ясайди, гуруҳлар фаолиятини баҳолайди, хулоса чиқаради. Мисол тариқасида "Ҳуқуқшунослик" фанидан **"Меҳнат ҳуқуқи асослари"** мавзусидаги кейсни келтирамиз.

Ҳуқуқшунослик фанининг «Меҳнат ҳуқуқи асослари» мавзуси бўйича

КЕЙС ТЕХНОЛОГИЯСИ

Кейснинг мақсади: Мазкур мавзу бўйича кейс технологиясини қўллашдан мақсад қўйидагилардир:

1. Ўқувчиларни "Меҳнат ҳуқуқи асослари" мавзуси бўйича билимларини мустаҳкамлаш;
2. Обектив реаллик асосида мавзунини тушунириш;
3. Ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш;
4. Меҳнатга оид ҳуқуқ ва эркинликларни ҳаётда қўллашни ўрганиш;

Ўқув фаолиятдан кутиладиган натижалар: Шахснинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни қандай муҳофаза қилинганлиги, конституция ва кодексларда улар қандай ҳимоя қилинганлиги тушунилади.

Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан ўқувчилар қўйидаги билимларга ега бўлишлари керак:

ўқувчи билиши керак: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқароларни ҳаётдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёш цензи даражасида.

Ўқувчи амалга ошириши керак:

- * мавзунини мустақил ўрганиш
- * муаммонинг моҳиятини аниқлаш
- * маълумотларни кўриб чиқиб, мустақил қарор чиқариш
- * маълумотлар билан мустақил ишлаш
- * маълумотларни таққослаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш
- * ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб хулоса чиқариш

Ўқувчи эга бўлиши керак:

- коммуникатив кўникмаларга
- тақдимот қилиш кўникмаларига
- ҳамкорликда ишлаш кўникмаларига
- муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиш кўникмаларига

Кейсда ишлатиладиган маълумотлар манбаи қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. “Ҳуқуқшунослик” дарслик
3. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси
4. Бола ҳуқуқлари конвенцияси

Кейснинг тавсифи: Ушбу кейс ҳаётий вазиятлар асосида баён этилган. Кейснинг асосий объекти Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Дидактик мақсадларига кўра кейс муаммоларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган.

Кейс афзалликларига қуйидагилар қиради: ўқув машғулоти кейс-технологияси бўйича ўқитиш, ўқувчиларнинг мустақил ишлашини таъминлайди.

Кириш

Тавсия этилган кейсни ечиш қуйидаги натижаларга эришишга имкон яратади:

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустакамлаш
- муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гуруҳий таҳлилида билим ва кўникмаларини қарор топшириш
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш

Муаммоли вазият

Ҳуқуқий жихатдан онг ва маданиятга эга бўлиш бугунги кунда инсонлардан талаб қилинаётган асосий омил ҳисобланади. Бирок кундалик ҳаётда инсонлар узаро кундалик юмушларда айрим ҳуқуқларимиз бузилган вақтда била туриб куз юмишга тугри келади. Кайнона томонидан келинни моддий ва маънавий ҳуқуқларини таҳкирланиши, бошлик томонидан ходимлар ҳуқуқларини паймол қилиниши, эркак ва аёл ҳуқуқларини обектив ҳаётда номуносиб ижро қилиниши ва хоказо.

Муаммоли вазият: Қобил билан Сардор бир олийгоҳни тугатиб битта корхонада иш бошлашди. Сардор гарчи ақл томондан Қобилдан бир мунча орқада бўлсада бошлиққа ҳамма жойда мулозамат кўрсатиб, тилёғламалик қилиб тез кўтарилди. Бошлиққа бундайлар ёқарди. Қобил бўлса ғурурли, жиддий, камгап ўзини ишини устаси эди. Бошлиққа Қобил димоғдордай туюлиб уни ишдан бўшатиб юбориш ниятида эди.

Меҳнат қонунчилигидан ташқари бошлиқ мавқеини монополлаштирилиши. Ишдан ташқари вақтда ҳам бошлиққа ўта мулозаматли бўлиш, уни айтгани айтган дегани деган қарашни шаклланганлиги:

“Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиринг.

Вазиятдаги муаммолар тури	Муаммоли вазиятнинг келибчиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари

Кейс билан ишлаш натижалари ёзма шаклда илова этилади

Кейс – стади учун ёзма иш талаблари

1.Иш А4 стандартдаги вароғнинг бир томонида (2 вароғдан ошмаган холда) тезис шаклида ёзилиши керак

2.Ёзма ишни жихозлаш тартиби:

- Биринчи бетда, ўнг томонда талаба исми, шарифи ва гуруҳини ёзиши керак
- Вароғнинг марказида кейснинг мавзуси ёзилади
- Кейс билан ишлаш натижалари тезис шаклида ёзилади

Кейсда вазият тавсифи ва ахборот таъминоти ҳар хил ҳажмда бўлиши(бир вароғдан бир неча юз вароғгача), таҳлил этиш учун таклиф этилаётган вазиятлар тавсифида деталлаштириш даражаси ҳам турлича бўлиши, ахборот кўплиги даражаси ҳам ўзгариши мумкин бўлган, таҳлилга алоқаси бўлмаган маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.Амалий вазиятни таҳлил қилиш пайтида:

- Таклиф этилаётган ахборотларни кўриб чиқишда адашманг, улар орасидаги энг зарурини белгиланг
- Вазиятни тор истикболда кўриб чиқманг: муаммо бирданига кичиклашиб ёки умуман ғойиб бўлиши мумкин
- ҳаракатлар режасини вазиятнинг таҳлили тугалланган ва муаммо аниқлангандан сўнг шакллантиринг

**Аудиторияда бажарилган иш учун
баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

Ўқувчилар рўйхати	Гуруҳ фаол Мак. 16	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди Мак. 46	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди Мак. 56	Жами Мак. 106
1				
2				
3				

8-10 балл – аъло

6-8 балл – яхши

4-6 балл – қониқарли

0-4 балл – қониқарсиз

Кичик гуруҳларда ишлаш қондаси

1. Ўқувчилар ишини бажариш учун зарур билимларга эга бўлиши керак
2. Гуруҳларга аниқ топшириқ берилиши керак
3. Топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилиши керак
4. Гуруҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.

Вазиятдаги муаммолар тури	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари
1. Бошлиқ ходим муаммоси 2. Дўстлар муаммоси 3. Ҳуқуқий саводсизлик муаммоси	1. Йиллар давомида шаклланган минталитет, урф одатларнинг ўта бўрттирилиши 2. Ҳуқуқни айниқса ўзининг ҳуқуқини билмаслик 3. Иш мажбуриятларини яхши билмаслик, 4. Иш топишнинг қийинлиги, 5. Умумий сабаб ўзи ҳаётга эгаллаб турган мавкейи даражасида ўзини ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмаслик	1. Турли ташвиқот йўллари орқали инсонни эксплуатация қилишни салбий оқибатларини тушунтириш 2. Касаба уюшмалари ёрдамида ходимларни ижтимоий мавқеини юксалтириш 3. Конституция ва бошқа ҳуқуқий фанларни объектив ҳаётга мослаб, ижтимоий гуруҳни савиясини ҳисобга олган ҳолда КТМД ва ДТС асосида яхши ўрганиш

Ўқув услубий мажмуа сифатида технологияга илова тарзда қуйидагилар тақдим қилинади:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Иш ўрни ва бандлик даражаси билан боғлиқ бўлган статистик маълумот

3. Мавзуга оид слайд
4. Меҳнат кодекси
5. Муаммога тааллуқли булган айрим сўз ва терминларни шархлаш учун
глоцарий, изоҳли лугат

Ўтказилган таҳлил ва натижалар

Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш – объектнинг ҳолати аниқланганидан сўнг, муаммонинг асосий қирраларига эътибор қаратиб, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

3.2 Касб – ҳунар коллежларида “Меҳнат ҳуқуқи асослари ”
мавзусини ўқитиш бўйича дарс ишланмаси
Маъруза машғулотининг таълим технологияси

Мавзу: 6	Меҳнат ҳуқуқи асослари
-----------------	-------------------------------

Дарсни олиб бориш технологияси

Машғулот вақти 2 соат	Ўқувчилар сони 25-30 гача
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза
Маъруза режаси	1. Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси. 2. Меҳнат ҳуқуқи манбалари. 3. Меҳнат шартномаси.
Маъруза машғулотининг мақсади: Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси, меҳнат ҳуқуқи манбалари, меҳнат шартномаси, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат низолари ҳақида маълумот бериш.	
Педагогик вазифалар: 1. Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат низолари ҳақидаги қоидаларнинг мазмун-моҳиятини баён этиш. 2. Меҳнат ҳуқуқи манбаларини изоҳлаш. 3. Меҳнат шартномаси тушунчаларини таҳлил қилиш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: 1. Ўқувчилар меҳнат ҳуқуқи тушунчаси, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат низолари ҳақидаги қоидалари ҳақида тушунчага эга бўладилар. 2. Меҳнат ҳуқуқи манбаларини қандай маъно касб этишини англайди. 3. Меҳнат шартномаси тушунчалари ҳақида маълумотга эга бўлади.
Таълим бериш усуллари	Маъруза, блиц-сўров, “ФСМУ” технологияси

<i>Таълим бериш шакллари</i>	Жамоавий ишлаш
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Маъруза матни, дарслик, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва доска
<i>Таълим бериш шароити</i>	Ҳуқуқшунослик ўқув хонаси
<i>Мониторинг ва баолаш</i>	Рейтинг тизими, назорат: савол-жавоб

**“Меҳнат ҳуқуқи асослари” мавзуси бўйича маъруза машғулотида
технологик харита.**

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Ўқувчи</i>
1.Ўқув машғулоти а кириш (10 дақ)	1.1. Ташкилий исм. Саломлашиш, йўқлама қилиш ҳамда ўувчиларнинг дарсга тайёргарлигини текшириш 1.2. Янги мавзуни ва унинг режасини эълон қилади (1-илова) 1.3. Машғулот ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (2-илова)	1.1 Тинглайди 1.2 Мавзу номини, режасини ёзиб олади ва тинглайди. 1.3 Тинглайди
2. Асосий босиш	2.1. Мавзу режасининг биринчи пункти “Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси” бўйича маъруза қилади (3-илова)	2.1. Тинглайди ва ёзиб олади Фикр билдиради ва

(50 дақ)	Янги мавзуни мустакамлаш учун “ФСМУ” технологиясидан фойдаланиш (4-илова) 2.2 Мавзу режасининг иккинчи пункти “Меҳнат ҳуқуқи манбалари ”ни баён этади. (5-илова) 2.3 Мавзу режасининг учинчи пункти “Меҳнат шартномаси.” режаси бўйича маъруза илади. (6-илова)	таҳлил қилади. 2.2. Тинглайди, ёзиб олади 2.3. Тинглайди, ёзиб олади
3.Умумлаш тирувчи босич <i>(20 дақ)</i>	3.1 Дарсда ўқувчилар фаоллигини ошириш ва билимини мустаҳкамлаш мақсадида “Блиц сўров” ўтказиш. (7-илова) 3.2 “Тушунчалар таҳлили” технологияси ёрдамида янги ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш учун топшириқ беради. (8-илова)	3.1. Тинглайди ва жавоб беради 3.2. Таянч атама ва тушунчаларга изоҳ ёзади
4. Якуний босич <i>(10 дақ)</i>	4.1 Ўтилган мавзу бўйича ўқувчилар учун тушунарсиз бўлган саволларга жавоб беради ва якунловчи хулоса қилади. 4.2 Мавзуни ўрганиш учун уйга қўшимча вазифа беради. (9-илова)	4.1. Савол беради ва тинглайди 4.2. Топшириқни ёзиб олади

Мавзу: Меҳнат ҳуқуқи асослари

Режа:

1. Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси.
2. Меҳнат ҳуқуқи манбалари.
3. Меҳнат шартномаси.

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

15 – 13 балл – “аъло”, 12 – 10 балл – “яхши”, 9 – 6 балл – “қониарли”

Меҳнат ҳуқуқи — ҳуқуқ соҳалари орасида етакчи ўрин тутати. Меҳнат ҳуқуқи меҳнат бозори фаолияти натижасида юзага келувчи, ёлланма меҳнатни қўллаш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш оқибатида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Моддий ва маънавий бойликлар яратиш жараёнидаги ижтимоий муносабатлар объектив хусусиятга эга бўлиб, барча шаклда меҳнат фаолиятига тааллуқлидир. Бунда биргаликдаги меҳнат фаолияти ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги кишилар томонидан ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига таъсир этишга оид алоқалар сифатида баҳоланмоғи лозим. Бундай алоқалар ҳар доим ташкилий тусга эга, жамоа бўлиб ишлашнинг муайян қоидаларини ўз ичига олади.

Биргаликдаги меҳнат иштирокчиларининг маъқеига кўра, биргаликдаги меҳнат мустақил меҳнат (мулкдорнинг меҳнати) ва ёлланма меҳнат (мулк эгаси бўлмаганлар меҳнати) каби турларга бўлинади. Меҳнат бозорининг мавжуд бўлиши, ёлланма меҳнатдан фойдаланиш меҳнатнинг иккинчи тури билан боғлиқ бўлади.

Кенг миқёсли хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий мулкчиликнинг ривожланиши, тадбиркорликка кенг йўл очилиши Ўзбекистонда меҳнатни ташкил этишда бозор муносабатларига хос шакллар ҳамда усулларни қарор топиши ва ривожланишига имкон яратди, меҳнатни ташкил этиш ва қўллашга оид ижтимоий муносабатларга янгича ёндашувни талаб этди.

Республикаимиз Президенти И. А. Каримов Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: “Биз янги асрга, янги минг йилликка қадам қўйдик. Янги юз йилликни биз учун қандай бўлиши 2001 йилда олдимизда турган вазифаларни нечоғлик адо этишимизга боғлиқ. Биз жамиятни янгилаш, ислохотларни изчил амалга ошириш бўйича аниқ-равшан ва ҳар томонлама пухта ўйланган дастурга эгамиз.

Агар меҳнат ҳуқуқининг предмети деганда ушбу соҳада нималар тартибга солиниши англанса, услуби деганда бу муносабатлар қандай қилиб тартибга солиниши тушунилади.

Меҳнат ҳуқуқининг услуби қуйидаги асосий белгилар билан характерли саналади:

а) меҳнат ҳуқуқи предмети бўлган ижтимоий муносабатлар марказлаштирилган ҳолда ва локал тартибда бошқарилишининг ўзаро қўшиб олиб борилиши

Меҳнат ҳуқуқи асослари маъруза машулотининг ФСМУ техналаогияси.

Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этишда, баҳс мунозаралар ўтказишда, ўқув семинар дарслари якунида қўлланилади. Бу технология орқали ўқувчилар ўз фикрини мустақил билдиради ва химоя қилади, ўз фикрини бошқаларга ўтказишга очик ва эркин баҳслашишга, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини тахлил этишга ва мавзуни қай даражада ўрганганликларини баҳолашга ва ўқувчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Ф – *фикрингизни баён етинг*

С – *фикрингиз баёнига бирор сабаб кўрсатинг*

М – *кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисоллар келтиринг*

У – *фикрингизни умумлаштиринг*

Ф - Ўзбекистонда барча соҳаларда инсонлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ белгилаб қўйилган. Нимага шунда ҳам инсонлар қонунни бузади?

С – ҳуқуқий тарбиясизлик, очкўзлик, осон яшаш, меҳнат қилмаслик, дангасалик каби иллатлар домига тушиб қолиш.

М – Меҳнат қонунчилигига бўйсунмаслик, пора бериб ишга кириш, ўғирлик қилишга доир мисолларни келтириш мумкин.

У – Инсон қонун асосида яшасагина қонун уни химоялайди.

Меҳнат ҳуқуқи манбалари:

«Ҳуқуқ манбаи» тушунчаси кенг маънода жамиятнинг моддий шароитлари, ишлаб чиқариш муносабатлари даражаси билан белгиланса, тор маънода давлат томонидан ифода этилган эркнинг намоён бўлиш шакли назарда тутилади. Меҳнат ҳуқуқининг манбалари хилма-хил шаклларда (қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқалар) бўлиши мумкин, улар умумий мақсад – қонунчилик ва адолатни таъминлаш билан ўзаро бирлашган бўлиб, бўйсунуш муносабатида бўлади.

Меҳнат ҳуқуқи манбалари қонунлар ва қонун асосида қабул қилинадиган бошқа ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат бўлиши мумкин. Қонунлар ўз навбатида Конституция ва амалдаги қонунлардан иборат бўлиши мумкин. Меҳнат ҳуқуқининг бош манбаи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўлиб, унда ҳар қандай фуқароларнинг барча ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа ҳуқуқлари, жумладан энг асосий табиий ҳуқуқларидан ҳисобланувчи эркин меҳнат қилиш, дам олиш, меҳнатга яраша иш ҳақи олиш, адолатли ва қулай иш шароитларида меҳнат қилиш, меҳнат ҳуқуқлари амалга оширилишининг кафолатланиши, самарали тарзда ҳимоя қилиниши назарда тутилган. Ҳар қандай қонун, қонун ҳужжатлари ёки бошқа ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларига зид бўлиши мумкин эмас. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар (айниқса, «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси», «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро Пакт ва бошқалар) Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизими таркибига киришлиги қайд этилган. Конституция олий юридик кучга эга бўлган акт сифатида меҳнат ҳуқуқи манбалари шакллантирилиши ва ривожлантирилишида ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси билан фуқароларга берилган меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш, ёлланма меҳнат қилиш ҳуқуқининг асосий ташкилий ҳуқуқий шакли – фуқаро билан иш берувчи ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 72-моддасида келтирилган расмий тарифга кўра: «Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир».

Бироқ, ушбу расмий тариф меҳнат шартномасига хос барча жиҳатларни қамраб ололмайди. Чунки меҳнат ҳуқуқи назарияси меҳнат шартномасига фуқаролар меҳнат қилиш ҳуқуқларини рўёбга чиқарилиш шакли, меҳнат муносабатлари юзага келиши ва амалга ошиши асоси ҳамда меҳнат ҳуқуқи фани институтларидан бири сифатидагина эмас, балки ходим билан иш берувчи ўртасида юз берган юридик факт, ушбу фактни ўзида қайд этувчи ёзма ҳужжат ҳамда меҳнат муносабати тарафларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашнинг юридик воситаси сифатида ҳам қарайди.

Меҳнат шартномаси тузилиши воситасида ходим ва иш берувчининг ўзаро муносабатлари индивидуаллаштирилади ҳамда ҳуқуқий тартибга солинади. Фақат меҳнат шартномаси тузилиши йўли билангина фуқаро ходим мақомини олади, меҳнат жамоасига қўшилади, корхона локал меъёрий ҳужжатлари, ички меҳнат тартиби қоидалари, меҳнат қонунлари тўла ҳажмда унга татбиқ этила бошланади.

Меҳнат қонунлари ишга қабул қилишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солар экан, иш тури, жойи ва касб-корини танлаш эркинлиги, меҳнат ҳуқуқларининг амалга оширилишида барча фуқароларнинг ўзаро тенг эканликлари, ижтимоий ҳимоя талаб аҳоли табақаларини давлат қўллаб-қувватлашининг амалга оширилиши каби қоидаларига асосланади. Меҳнат шартномаси тузиш воситасида ходим ва иш берувчи ўртасидаги муносабат предмети, доираси, шартнома томонларининг бир-бирларига нисбатан ҳақ-ҳуқуқлари аниқлаб олинади. Меҳнат шартномаси келгусида ходим ва иш берувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни давом эттириш ва янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Блиц сўров

1. Ҳуқуқ нима ?
2. Меҳнат ҳуқуқи бу ?
3. Меҳнатга оид энг асосий ҳуқуқий манба?
4. Конституциямизнинг қайси моддасида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатланган?
5. Меҳнат қилиш қандай ҳуқуқ?
6. Касб танлаш қандай ҳуқуқ?
7. Дам олиш қанда ҳуқуқ?
8. Стаж нима?
9. Пенсия нима?
10. Меҳнат кодекси қачон қабул қилинган?
11. Шахс неча ёшдан Меҳнат қилишга ҳақли?
12. Меҳнат қонунчилигида энг кичик ёш цензи?
13. Меҳнат шартномаси нима?
14. Меҳнат шартномасида тарафлар кимлар?
15. Меҳнат низолари нима?

Меҳнат ҳуқуқи асосларга доир таянч тушунчалар

<i>Лаёқат</i>	?
<i>Давлат сири</i>	?
<i>Касб касаллиги</i>	?
<i>Меҳнат ҳуқуқи</i>	?
<i>Иш стажси</i>	?
<i>Шахс</i>	?
<i>Меҳнат шартномаси</i>	?
<i>Касб танлаш ҳуқуқи</i>	?
<i>Эркин меҳнат қилиш</i>	?
<i>Одам савдоси</i>	?
<i>Меҳнат миграцияси</i>	?
<i>Бандлик</i>	?
<i>Уч томонлама шартнома</i>	?
<i>Зарарли меҳнат</i>	?
<i>Ҳалол меҳнат</i>	?
<i>Ноқонуний меҳнат</i>	?

У Й Г А В А З И Ф А

Билимингизни мустаҳкамланг

Қуйида келтирилган тушунча ва иборалар орасидан Меҳнат ҳуқуқи асослари мавзусига оидларини аниқланг ва жадвални тўлдиринг.

- * Бандлик;
- * Ижтимоий таъминот;
- * Қўчиш;
- * турар жой дахлсизлиги ;
- * Ишсизлик;
- * дам олиш;
- * виждон эркинлиги ;
- * турар жой танлаш ;
- * Уришиш;
- * Яшаш;
- * Ойлиқ маош;
- * Нафақа;
- * Айбсиз деб исботлаш;
- * Одил судлов
- * Сир сақлаш;
- * Мажбурий меҳнат;
- * Уй тозалаш:

№	Меҳнатга оид ҳуқуқлар	Меҳнатга оид тушунчалар
1.		
2.		
3.		
4.		
...		
...		
...		

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки ҳуқуқий демократик давлат қуриш сари одимлаётган ватанимизнинг эртанги куни бўлмиш ёш авлодни миллий ғоя руҳида тарбиялашда, ватанга виждонан хизмат қилиш мақсадини олий мақсад сифатида қадрлашни ўргатсак кун келиб бу машаққатли меҳнатлар албатта ўз самарасини беради.

Ҳақиқатдан ҳам йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига 2,5 баробарни ташкил этгани бунинг ёрқин далилидир.²⁷

Мамлакатимиз хатто жаҳон молиявий инқирози даврида ҳам иқтисодий жihatдан прогрессга эришди. Статистика маълумотларига эътибор қаратсак 2008 йилда ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёдни ташкил этган. Натижада ўша йилни ўзида ўртача иш ҳақи миқдори 300 АҚШ долларини ташкил этган.²⁸

Кейинги йилларда давлат умумий бюджети тақсимотига назар соладиган бўлсак, ҳар йили деярли 60 % дан маблағ айнан ижтимоий соҳага йўналтирилаётгани жуда эътиборли масаладир. Ўзбекистонда истиқлол йилларида таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари ва уй жой сиёсатида амалга оширилган ислохотлар ва ушбу соҳага давлат харажатларининг самарали молиялаштирилиши натижасида ижтимоий инфратузилманинг барқарор фаолият кўрсатиши ва ривожланиши таъминланди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг энг муҳим мақсади юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий – ахлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборатдир.

²⁷ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: Ўзбекистон, 2010. - 5 бет.

²⁸ Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: «Ўзбекистон» 2009. - 16 бет.

Агар ўрта махсус касб ҳунар таълими ривожланиш кўрсаткичлари борасидаги статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, қуйидагича жадвал кўринишида ифодалаш мумкин:

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2009 йил	2010 йил
Ўрта махсус, касб – ҳунар таълими муассасаларида тахсил олаётган ўқувчилар сони, минг ўқувчи	494,7	532,6	1510,8	1623,1
Қизлар улуши, фоиз ҳисобида	45,0	47,4	49,1	48,5
Умумтаълим мактаблари 9 – синф битирувчиларини ўрта махсус, касб ҳунар таълими билан қамраб олиш кўрсаткичлари, фоизда	32,2	41,7	96,8	97,1
Шу жумладан,				
Ўғил болалар	33,9	33,9	97,2	97,2
Қизлар	28,6	31,0	96,5	97,0
Фойдаланишга топширилган ётоқхоналар, улардаги ўринлар сони, минг киши	-	30,2	92,0	95,0

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий таълим стандартлари асосида жиҳозланган 1539 та касб - ҳунар коллежи ва академик лицей фаолият юритмоқда, ҳозирги кунда уларда 1623,1 минг нафар ўқувчи билим олмоқда.

1998 – 2010 йиллар давомида ўрта махсус, касб – ҳунар таълими ўқув муассасаларини янгитдан қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш учун қарийб 2,5 триллион сўм сарфланган. Барча касб – ҳунар коллежлари ва академик лицейлар замонавий таълим стандартлари талаблари асосида жиҳозланди.²⁹

Ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти даврида товарлар ва меҳнатлар бозори ҳам ривожланади. Шунинг учун ҳам ёшларни меҳнатга оид ҳуқуқий билимини юксалтириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси ижтимоий иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Т. 2011. 105-106 бетлар

Бундай вазифа ўз ўзидан биз педагог кадрлар зиммасига ҳуқуқий таълим тарбияни замонавий педагогик технологиялари воситалари асосида, жаҳоннинг ривожланган давлатларини тажрибадан ўтган самарали методларини ўрганиш ва уларни миллий таълим тизимида тўғри ва аниқ қўллашни тақозо этади.

Бунинг учун эса албатта доимий изланишда, ҳаракатда бўлмоғимиз лозим бўлади. Атоқли жаҳид намоёндаси Абдулла Авлониё таъкидлаганидек: ”Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот ё фалокат, ё халокат ё саодат масаласидир”.

Жамиятни демократлаштиришнинг муҳим шартларидан бири ҳам одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир – бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқдир. Инсоният босиб ўтган тараққиёт йўли шундан далолат берадики, “демократия ўз – ўзидан вужудга келмайди. демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ чучугини обдон тортиб, ҳаётнинг синов ва курашларига мардона бардош берибгина эришиш мумкин.”³⁰

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, шундай давлатга мос баркамол ҳуқуқий маданиятли, меҳнатсевар авлодни тарбиялаш бугунги кундаги энг долзарб масала ҳисобланади.

³⁰ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: «Ўзбекистон» 1995 йил. - 11 бет.

Мавзуга оид таянч сўзлар.

№	Ўзбекча	Руский	English
1.	Жовон, қути, ходиса	-ящик - падеж - в таком случае	Case
2.	Ходисани ўрганиш	- конкретные исследования - исследования (разбор) конкретных случаев	case studys
3.	маҳорат	технология	technology
4.	меҳнат	труд	Labour, work
5.	хуқуқ	право	law
6.	Меҳнат хуқуқи	Трудовая права	Labor law
7.	илмий	научный	scientific
8.	Тўлов	плата	- charge - board - mech)plat
9.	Хизмат хақи	Плата за труда	Wchargeper for labour
10.	Педагогик технология	Педагогик технология	Pedagogical technology
11.	стаж	стаж	length of service
12.	ходим	сотрудник	official
13.	кадр	кадр	frame
14.	нафақа	пенсия	pension
15.	нафақахўр	пенсионер	retiree
16.	ишчи	рабочий	worker
17.	Чегараланмаган	работа без ограничений	open operation

	иш		
18.	Тунги иш	<i>работа в ночное время</i>	nightwork
19.	Иш вақти	<i>рабочий время</i>	uptime
20.	Иш куни	<i>рабочий день</i>	workday
21.	иш хона	<i>рабочий комната</i>	working room
22.	маош	<i>зарплата</i>	Paycheck, salary
23.	Мехнат таътили	<i>отпускной</i>	vacation
24.	Кадрлар бўлими	<i>отдел кадров</i>	personnel department
25.	Мехнат дафтарчаси	<i>Трудовое книжка</i>	Book of labor
26.	Мехнат қонунчилиги	<i>Законодательство труда</i>	Legislation labor's
27.	Ишлаб чиқариш	<i>производство</i>	production
28.	аванс	<i>аванс</i>	advance
29.	хайфсан	<i>выговор</i>	- reprimand - accent
30.	Мехнат кодекси	<i>Трудовой кодекс</i>	Labor code
31.	касб	<i>профессия</i>	profession
32.	аванс	<i>аванс</i>	advance
33.	Энг кам ойлик иш хақи	<i>минимал оклад</i>	minimal salary
34.	Директор	<i>директор</i>	director
35.	Ўқитувчи	<i>учитель</i>	teacher
36.	педагог	<i>педагог</i>	pedagog
37.	коллеж	<i>коллеж</i>	College
38.	Ўрта-махсус касб – хунар таълими	<i>среднего специального, профессионального образования</i>	secondary specialized, professional education

39.	Коллеж ўқувчиси	<i>ученик коллежа</i>	college student
40.	Ўқув гуруҳи	<i>учебная группа</i>	study group
41.	Кадрлар тайёрлаш миллий дастури	Национальной программы по подготовке кадров	National Programme of the Personnel Training
42.	декан	<i>декан</i>	Dean
43.	Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни	Законом Республики Узбекистан «Об образовании»	Law of the Republic of Uzbekistan "On Education"
44.	Таълим тизими	<i>система образования</i>	education system
45.	фан	<i>предмет</i>	subject
46.	давлат	<i>государство</i>	state
47.	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	Конституция Республики Узбекистан	Constitution Republic of Uzbekistan
48.	шартнома	<i>контракт</i>	Contract
49.	Суғурта	<i>страхование</i>	Insurance
50.	Зарар	<i>вред</i>	damage

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Раҳбарий адабиётлар:

1.1 Каримов И.А. Ўзбекистонни ўз истиқлол ва тараққиё йўли Т.: «Ўзбекистон» 1992 йил. - 19 б.

1.2 Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. Т.: «Ўзбекистон» 1995 йил. - 16 б.

1.3 Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т.: «Ўзбекистон» 1995 йил . - 11 б.

1.4 Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Т.: «Ўзбекистон» 1996 йил. - 40 б.

1.5 Каримов И. А. «Замонавий кадрлар тайёрлаш – ислохотлар муваффақиятининг асоси», «Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил 26 декабр.

1.6 Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т.: «Ўзбекистон» 1999 йил . - 7 б.

1.7 Каримов И.А.Сайлов олди дастури.Т.: «Ўзбекистон» 1999 йил 14б.

1.8 Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: «Ўзбекистон» 2005 йил 83 б.

1.9 Каримов И.А. Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмайди. Т.13. –Т.: «Ўзбекистон» 2005. - 346 б.

1.10 Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. –Т.: «Ўзбекистон» 2006. - 334 б.

1.11 Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т.: «Ўзбекистон» 2007. - 320 б.

1.12 Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. –Т.: «Ўзбекистон» 2008. -368 б.

1.13 Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: «Ўзбекистон» 2009. - 16 б

1.14 Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. –Т.: «Ўзбекистон» 2009. - 280 б.

1.15 Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизасия қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. –Т.: Ўзбекистон, 2010. - 264 б.

1.16 Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: Ўзбекистон, 2010. - 5 б

1.17 Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. –Т.: Ўзбекистон, 2011. - 360 б

1.18 Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил 30 б.

1.19 Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил 36 б.

2. Меёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар

2.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.Адолат. 2012 йил

2.2 Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т., “Адолат”,1996йил.

2.3 Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолати тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистоннинг янги қонунлари», № 23. Т., «Адолат». 2001

2.4 Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция. 1992 йил. 32 модда.

- 2.5 Ўзбекистон Республикаси “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўрисида” 1992 йил 6 майдаги қонуни.
Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 6-сон. Т., “Адолат”. 1992 йил
- 2.6 Ўзбекистон Республикасининг “ Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида” 1991 йил 15 февралдаги қонуни
- 2.7 БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси», «Инсон ҳуқуқлари» ўқув қўлланмаси Т., «Ўзбекистон», 1998, 183-бет.
- 2.8 Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Ташкилотга бўлган ҳуқуқлар ва жамоа шартномалари тузиш тўғрисида»ги Конвенцияси», Права человека, Т., «Шарқ» НМК, 1995, т 1. стр. 442.
- 2.9 «Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2000 йил учун жамоа шартномалари тузиш юзасидан тавсиялари», 2000 йил 10 январдаги 39-05/11 сонли хати.

3. Илмий адабиётлар ва монографиялар

- 3.1 О.А. Каримова, Х Сайдивалиева, Н.Акаева Ҳуқуқни ўқитиш методикаси. Т.2010
- 3.2 О.А. Каримова, М.Давлетова Ҳуқуқни ўқитиш методикаси. Т.2009 й
- 3.3 Н.Кулдашева, А. Тухтахунов Меҳнат ҳуқуқи Т 2009й
- 3.4 Америка тарихининг асослари . АҚШ Ахборот бўлими 258 б
- 3.5 Д.А.Каримов ва бошқ. Махаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асослари. Т 2009 й. 183 б.
- 3.6 Президент ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси: Ўзбекистонда давлат қурилиши соҳасидаги ислохотлар ва ҳуқуқий сиёсат. Т.2011й. 156 б.
- 3.7 Х.Одилқориев ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш.Т. 2003й. 70 б.
- 3.8 Х.Бобоев, А. Саидов. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш.Т.2001й. 193 бет

- 3.9 О.Каримова, Х.Тўйчиева Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т.1996 й. 101 бет.
- 3.10 А.Х.Саидов ва бошқ. “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунга шарҳлар” Т. 2009 йил 177 б
- 3.11 А.Акбаров, А.Турдиев. «Ўзбекистон Республикасининг аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунига шарҳлар. Т. «Шарқ» 2000й.
- 3.12 М.Ю.Гасанов, Е.А.Соколов. Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлар (саволлар ва жавоблар). Т. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёти уйи 1999 й
- 3.13 М.Ю.Гасанов, Е.А.Соколов. Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлар 2-китоб. Т. «Ўқитувчи» 2001 й.
- 3.14 Саидназирхонов С., «Ишчи кучи миграцияси», «Инсон ва қонун» газетаси, 2000 йил 16 май.
- 3.15 Турсунов Й., «Меҳнат ҳуқуқи», Ўқув қўлланмаси. Т., «Молия», 1999 йил.
- 3.16 Гасанов М., Соколов Е. «Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатлари», II китоб, «Иш вақти ва дам олиш вақти», Т., «Шарқ» НМК, 2000.
- 3.17 Аҳмедов Э., Саидаминова З. Ўзбекистон Республикаси, Т., «Ўзбекистон», 1995 йил.

4. Статистик тўпламлар

- 4.1 Ўзбекистон Республикаси ижтимоий иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Т. 2011. 105-106 бетлар.

5. Авторефератлар

5.1.Тўйчиева Х.Н. Шахс ҳуқуқий онгини шакллантиришда ҳуқуқий таълимнинг ўрни ва унинг илмий – амалий муаммолари. П.ф.н.автореф. – Тошкент: 2009. -22 б.

5.2.Сайдалихожаева Н.Ф. Система правового воспитания учащихся старших классов (на основе субъект-субъектных отношений) к.п.н. автореф. –Ташкент: 2008. 23 стр.

Интернет сайтлари

[http: //www. press-service .uz](http://www.press-service.uz)

[http: //www. gov. uz](http://www.gov.uz)

[http: //www.parlament. gov. uz](http://www.parlament.gov.uz)

[http: //www. edu..uz](http://www.edu.uz)

[http: //www. tsue . uz](http://www.tsue.uz)

[http: //www. mf. Uz](http://www.mf.Uz)

[http: //www. ziyonet.Uz](http://www.ziyonet.Uz)

[http: //www. wikipideya. Uz](http://www.wikipideya.Uz)

[http: //www. talaba.zn.uz](http://www.talaba.zn.uz)

[http: //www. yandex.ru](http://www.yandex.ru)

[http: //www. google.co.uz](http://www.google.co.uz)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Ўрта махсус, касб - ҳунар таълими маркази

**Академик лисей ва касб- ҳунар коллежлари учун
ўқув дастури**

ҲУҚУҚШУНОСЛИК

(40 соат)

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг 2010 йил 1 июлдаги 6/1 ва 4/2-сонли қўшма Ҳайъат мажлиси қарори билан тасдиқланган ва академик лисей ва касб-ҳунар коллежлари учун ҳуқуқшунослик фанидан узвийлашган ўқув дастури сифатида узлуксиз таълим тизимига жорий этиш учун тасвир этилган.

Тузувчилар:

М.Мирҳамидов – юридик фанлари номзоди, досент

О.Каримова – юридик фанлари номзоди, досент

Х.Тўйчиева – катта ўқитувчи

У.Хотамов – катта ўқитувчи

В.Костесский – РТМ методисти

Б.Тўраев – ТДЮИ тадқиқотчиси

Такризчилар:

О.Хусанов – юридик фанлари доктори, профессор

М.Жумаев – юридик фанлари номзоди, досент

И.Зокиров – юридик фанлари доктори, профессор

Ш.Шорахметов – юридик фанлари доктори, профессор

Тошкент-2010

Дастурни оптималлаштиришда иштирок этган ишчи гуруҳи аъзолари:

- | | | | |
|---------------------|---|--|------|
| 1.Вахобов Абдувоҳид | — | Тошкент тумани “Кенсой” агросаноат ва бизнес касб-хунар коллежи кафедра мудири, ю.ф.н, досент | |
| 2.Ходжаева Зулфия | — | Тошкент юридик коллежи директор ўринбосари | |
| 3.Бегимова Робия | — | Жаҳон иқтисодиёти ва Дипломатия университети қошидаги “Шайхонтохур” академик лисей етакчи ўқитувчиси | |
| 4.Абдуллаева Шоиста | — | Тошкент шаҳар Учтепа тумани 106–мактаб ўқитувчиси | |
| 5.Ҳасанова Бибисора | — | Тошкент шаҳар Яккасарой тумани мактаб ўқитувчиси | 118- |

Тушунтириш хати

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши бугунги ёш авлодларимизга насиб этди. Республикамиз инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қурмоқда. Бундай давлатни барпо этиш эса жамиятдаги ривожланган ҳуқуқий тизимнинг, халқнинг, айниқса ёшларнинг юксак даражадаги ҳуқуқий билими, онги, маданиятини тақозо этади. «Энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур»

Кейинги йилларда Республикамизда мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида жуда кўп ишлар олиб борилмоқда. Энг асосий ўрин илмга қаратилган. Бу эса янги-янги дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, кўргазмалар қуроллар яратишни талаб этмоқда.

Бунга Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майда қабул қилган Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низоми, «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» ва бошқа бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар мисол бўла олади.

Юз бераётган ўзгаришлар ёшларнинг ҳуқуқий давлат тизими ва моҳиятини чуқурроқ англашини, қонун асосларини ўрганишини, қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишини, қонун талабларини сўзсиз бажаришини ҳамда ўз ҳуқуқ ва бурчларини билишларини талаб этади.

Юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда Республикамиз мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртларида ўқитилаётган «Ҳуқуқшунослик» фанининг ўрни ва аҳамияти чексиздир.

**ЎҚУВ РЕЖАСИДА ФАНГА АЖРАТИЛГАН СОАТ МИҚДОРИ ВА ДАРС ТУРЛАРИ
БЎЙИЧА ТАҚСИМОТИ**

№	Фаннинг бўлимлари ва мавзулари	Умумий юклама, соат							
		Ҳаммаси	Дарслар тури бўйича соатлар тақсими (аудитория, юкламаси)						Мустақил иш
			Жами	Назарий (маъруза)	Амалий	Лаборатория	Семинар	Курс иши (лойиҳаси)	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	Жамият, давлат ва ҳуқуқ	10	6	2			4		4
2.	Конституциявий ҳуқуқ	2	2	2					
3.	Маъмурий ҳуқуқ асослари	6	4	2			2		2
4.	Фуқаролик ҳуқуқи асослари	6	4	2			2		2
5.	Мулк ҳуқуқи асослари	6	4	2			2		2
6.	Меҳнат ҳуқуқи асослари	2	2	2					
7.	Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар	2	2	2					
8.	Оила ҳуқуқининг асослари	2	2	2					
9.	Жиноят ҳуқуқи асослари	6	4	2			2		2
10.	Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортиш асослари	2	2	2					
11.	Экология ҳуқуқи асослари	6	4	2			2		2
12.	Халқаро ҳуқуқ	6	4	2			2		2
	ЖАМИ	56	40	24			16		16

Дастурнинг мазмуни (40 соат)

1-мавзу: Жамият, давлат ва ҳуқуқ (6 соат).

Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқишига доир назариялар. Давлатнинг ижтимоий моҳияти. Давлатлар таснифи. Ҳуқуқ нормаларининг тузилиши ва турлари. Ҳуқуқ манбалари ва уларнинг турлари.

2-мавзу: Конституциявий ҳуқуқ (2 соат).

Конституция ва унинг тарихий ривожланиши. Конституциянинг асосий функциялари, устунлиги ва барқарорлиги. Конституциявий назорат. Конституциявий – ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ва объектлари.

3-мавзу: Маъмурий ҳуқуқ асослари (4 соат).

Маъмурий ҳуқуқ манбалари. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси, уларнинг турлари. Маъмурий-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари. Маъмурий-ҳуқуқбузарлик тушунчаси. Вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлиги. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси. Вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги. Маъмурий жазо.

4-мавзу: Фуқаролик ҳуқуқи асослари (4 соат).

Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси. Фуқаролик ҳуқуқи муносабатлари. Уларнинг субъектлари ва объектлари. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг муомала лаёқати. Юридик шахслар. Битимлар ва шартномалар тушунчаси, уларнинг шакллари.

5-мавзу: Мулк ҳуқуқи асослари (4 соат).

Мулк ҳуқуқи тушунчаси. Мулк шакллари. Мулк ҳуқуқи субъектлари ва объектлари. Интеллектуал мулк тушунчаси.

6-мавзу: Меҳнат ҳуқуқи асослари (2 соат).

Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси, манбалари, тизими. Меҳнат ҳуқуқи субъектлари. Иш берувчи ва ходим тушунчаси. Меҳнат жамоаси. Иш берувчи ва ходимнинг асосий ҳуқуқлари. Меҳнат шартномаси тушунчаси. Ишга қабул қилиш тартиби.

7-мавзу: Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар (2 соат).

Меҳнат муносабатлари тушунчаси. Иш вақти. Дам олиш вақти. Меҳнатга ҳақ тўлаш. Меҳнат интизоми. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Аёлларга ва ёшларга бериладиган қўшимча кафолатлар. Меҳнат низолари. Давлат ижтимоий сугуртаси.

8-мавзу: Оила ҳуқуқининг асослари (2 соат).

Оиланинг жамият ҳаётидаги ўрни. Оила ҳуқуқининг манбалари. Никоҳ. Никоҳнинг тугатилиши, эр ва хотиннинг мулкка оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Ота-оналар ҳамда болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Вояга етмаганларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик.

9-мавзу: Жиноят ҳуқуқи асослари (4 соат).

Жиноят ҳуқуқи тушунчаси. Жиноят ҳуқуқи манбалари. Жиноят белгилари, айб ва унинг шакллари, жиноятни таснифлаш, жиноят ҳуқуқининг манбалари. Жиноий жазо ва уларнинг турлари.

10-мавзу: Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортиш асослари (2 соат).

Вояга етмаганлар жинояти турлари. Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортиш асослари. Вояга етмаганлар учун қўлланиладиган жазолар.

11-мавзу: Экология ҳуқуқи асослари (4 соат).

Экология ҳуқуқи тушунчаси. Экология ҳуқуқи манбалари тизими. Табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизмлари. Экологик ҳуқуқбузарликлар ва жавобгарлик.

12-мавзу: Халқаро ҳуқуқ (4 соат).

Халқаро ҳуқуқнинг вужудга келиши. “Халқаро ҳуқуқ” тушунчаси. Халқаро ҳуқуқ объектлари. Халқаро ҳуқуқ функциялари. Халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқ. Халқаро ҳуқуқ объектлари ва субъектлари.

Адабиётлар:

1. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида"ги қонунлари. -Т.: «Шарқ», 1998. -64 б.
2. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. И.А. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: «Ўзбекистон», 1996.
4. И.А. Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. -Т.: «Ўзбекистон», 2000.
5. И.А. Каримов. Асарлар. 1-7 жилдлар. -Т.: «Ўзбекистон», 1996-1999.
6. О.А. Каримова, З. Фаффоров. «Давлат ва ҳуқуқ асослари». Дарслик. -Т.: «Ўқитувчи», 1995.
7. О. Каримова, Х.Н. Туйчиева. «Давлат ва ҳуқуқ асослари». Ўқув қўлланма. -Т.: «Ўқитувчи», 1996.
8. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси. -Т.: «Адолат», 1995.
9. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: "Ўзбекистон", 1992.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. -Т.: 1995.
11. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. I, II жилдлар. -Т.: «Адолат», 1995.

12. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. -Т.: «Адолат», 1995.
13. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. -Т.: «Адолат», 1998.
14. "Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим тўғрисида"ги Низом. -Т.: 1998.
15. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Тўпламлар. -Т.: «Адолат», 1995-1999.
16. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси. I, II жилдлар. -Т.: «Адолат», 1996-1997.
17. Теория государства и права. -М.: 1998.
18. Теория государства и права. -М.: 1999.

«CHINA WORD» БОШҚОТИРМАСИ

қ	в	п	р	о	н	ф	қ	а	п
р	о	л	д	и	т	ь	б	п	р
о	л	д	г	н	е	а	п	р	о
л	м	е	ҳ	қ	ч	с	м	а	в
қ	ф	я	н	г	ж	с	м	и	т
ь	б	ю	а	т	ф	қ	в	е	н
б	ю	р	п	ҳ	у	қ	ф	ц	у
к	к	а	в	с	ч	у	ч	в	р
о	л	е	а	п	р	қ	и	з	к
қ	о	к	к	о	р	в	с	у	ф
я	и	р	о	л	е	у	қ	п	р
о	е	й	ц	у	к	е	н	г	ш
ў	з	х	ж	д	л	о	р	п	п
а	в	қ	ф	я	ч	с	м	и	т
ь	б	ю	қ	Р	п	а	в	қ	ф
й	ц	у	к	Е	н	г	ш	ў	з
х	ь	э	ж	ф	и	л	т	ь	б
ю	ж	д	л	о	р	п	е	н	г
ш	ў	з	л	о	р	т	и	м	с
ч	я	ф	ф	ц	я	и	т	о	р
п	а	у	к	е	н	г	ш	ў	й
й	у	к	н	г	ш	ў	д	л	о
р	п	а	в	с	м	и	т	ь	б
ю	.	э	ш	г	н	е	к	у	ц
й	қ	в	в	п	р	о	л	г	н
р	т	и	м	а	п	е	к	а	м
и	т	ь	б	ю	д	ж	з	ў	ш
г	н	е	к	у	в	а	п	р	о

